

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САМАНДАРОВА ЛОЛА СУЛТАНОВНА

ХОРАЗМ АДИБЛАРИ ИЖОДИДА ФОЛКЛОР АНЪАНАЛАРИ
(МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ)

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

УРГАНЧ – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

The contents of dissertation abstract for a Doctor of Philosophy (PhD)

Самандарова Лола Султановна

Хоразм адиблари ижодида фольклор анъаналари (мустақиллик даври)..... 3

Самандарова Лола Султановна

Фольклорные традиции в творчестве хорезмских писателей (период независимости)..... 33

Samandarova Lola Sultanovna

Folklore Traditions in the Work of Khorezm Writers (the Period of Independence)..... 65

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 71

**УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 РАҚАМЛИ
ИЛМИЙ КЕНГАШ**

УРГАНЧ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

САМАНДАРОВА ЛОЛА СУЛТАНОВНА

**ХОРАЗМ АДИБЛАРИ ИЖОДИДА ФОЛКЛОР АНЪАНАЛАРИ
(МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ)**

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PHD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Урганч – 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.3.PhD.Fil1918 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Урганч давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси (www.fil-ik.urdu.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим портали (www.ziyonet.uz)да жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рўзимбоев Сафарбой,

филология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Каримов Баходир Нурметович,

филология фанлари доктори, профессор

Ғайипов Дилшод Қадамбоевич,

филология фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Қорақалпоқ Давлат университети

Диссертация химояси Урганч Давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «23» Июль соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳ.Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел: (99862) 224-67-00; факс: (99862) 224-67-00, e-mail: www.fil-ik.urdu.uz).

Диссертация билан Урганч Давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (A-566 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 220100, Урганч шаҳри, Ҳ.Олимжон кўчаси, 14-уй. Тел.: Тел: (99862) 224-67-00.

Диссертация автореферати 20 21 йил «12» Июль куни тарқатилди.
(20 21 йил «12» Июль даги 6 - рақамли реестр баённомаси).



З.Дўсимов,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, филология фанлари доктори, профессор

С.М.Сариев,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, филология фанлари доктори (DSc), доцент

А.Д.Ўразбоев,

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси в.в.б., филология фанлари доктори (DSc), доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон халқлари ёзма адабиётида фольклор анъаналарининг истифода этилиши доимий диққатни тортиб келаётган масалалардан биридир. Фольклор анъаналари таъсирида ёзма адабиётда шеърӣ, насрий, драматик асарлар кўплаб яратилганки, уларнинг фольклор билан ўзаро генетик алоқадорлигини, жанрий хусусиятларини, бадий-композицион белгиларини аниқлаш фольклор ва ёзма адабиёт муносабатининг бардавомлигини асослашда муҳим аҳамият касб этади.

Жаҳон адабиётшунослигида фольклор ва ёзма адабиёт муносабатини, фольклор анъаналарининг ёзма адабиётга таъсирини, ёзма адабиётнинг анъанавий жанрларига хос поэтик хусусиятларни, яратилиш асосларини, фольклор материални чуқур идрок этиш ва уни ижодий қайта ишлаш орқали воқеликни реалистик акс эттиришда ижодкор бадий маҳоратини очиш бўйича мунтазам изланишлар олиб борилмоқда ва бу борада катта илмий натижаларга эришилган. Жумладан, фольклор анъаналарининг ёзма адабиётни юксалтиришдаги ўрнини, уларни қўллашда тақлид, ижодий таъсирланиш, имманент ва контекстуал ёндашув масалаларини ёритиш ёзма адабиёт тараққиёти тамойилларини, унда шаклий-услубий янгиланиш турларини аниқлаш юзасидан илмий асосланган концепцияларни ишлаб чиқиш имконини бермоқда. Хусусан, тадқиқотлар натижасида ёзма адабиёт ривожини учун фольклор анъаналари муҳим восита бўлганлиги асослаб берилган.

Ўзбек адабиётшунослигида ҳам фольклор анъаналарининг ёзма адабиётга таъсири масаласи “Қутадғу билиг”, “Ҳибатул ҳақойиқ” асарлари, Гулҳаний, Ҳамза ва кейинги давр адиблари ижоди мисолида тадқиқ этилган. Бироқ мустақиллик даври Хоразм адабий муҳити вакиллари ижодида фольклор анъаналарининг бардавомлиги ўрганилмаган. Бинобарин, мустақиллик йилларида рўёбга чиққан эркинлик туйғуси ижтимоий-сиёсий ва бадий-эстетик фикрлашда буюк янгиланишларга йўл очди. Халқ дунёқарашининг тозариши эса фольклор ва адабиёт муносабатини яна-да чуқурлаштирди. Ушбу жараёнда яратилаётган бадий асарлардаги фольклоризмлар ёш авлоднинг маънавий юксалишида катта аҳамият касб этади. Чунки “Фарзандларимизни янгича тафаккур, юксак инсоний туйғулар билан ошно этиш, уларда мустақил ва ижодий фикрлаш қобилиятини узлуксиз ривожлантириб бориш”¹ ҳозирги давримизнинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Шу маънода мустақиллик даври Хоразм адиблари ижодида фольклор анъаналарини махсус ўрганиш ва мазкур давр адиблари асарларининг образлар тизими, уларнинг ифода тарзи, тасвир имконияти, услуб поэтикаси ҳамда моҳиятга сингиб кетган фольклоризмларни комплекс тадқиқ этиш зарурати мавжуд.

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўқитувчи ва мураббийларга байрам табриги//“Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 29 сентябрь. – № 202 (7160).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-2995-сонли “Қадимий ёзма манбаларни сақлаш, тадқиқ ва тарғиб қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сонли «Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги, 2018 йил 1 ноябрдаги ПҚ-3990-сонли “Халқаро бахшичилик санъати фестивалини ўтказиш тўғрисида”ги, 2019 йил 14 майдаги ПҚ-4320-сонли “Бахшичилик санъатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги” қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 апрелдаги VMQ -304-сонли “Бахшичилик ва дostonчилик санъатини янада ривожлантириш ҳамда такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Мавзунинг ўрганилиш даражаси. Фольклор ва ёзма адабиёт, замонавий адабиётнинг халқ ижодиёти билан узвий муносабати жаҳон ва ўзбек адабиётшунослигида муайян даражада ўрганилган².

² Русская литература и фольклор: Первая половина XIX в. – Л., 1976; Кравцов Н. И. Русская проза второй половины XIX века и народное творчество. – М.: Наука, 1972; Базанов В. От фольклора к народной книге. – Л., 1973; Адрианова – Перетц В. П. Древнерусская литература и фольклор. – Л., 1974; Взаимодействия литературы и фольклора. Душанбе, 1974; Роль фольклора в развитии литератур народов СССР. – М.: Наука, 1975; Богатырев П. Г. Вопросы теории народного искусства. – М., Наука, 1971; Левинтон Г. А. Заметки о фольклоризме Блока // Миф – фольклор – литература. – Л.: Наука, 1978; Горелов А. А. К истолкованию понятия «фольклоризм литературы» // Русский фольклор. – Л.: Наука, 1979. – Т.: XIX; Медриш Д. Н. Литература и фольклорная традиция. Вопросы поэтики. – Саратов: Издательство Саратовского университета, 1980. – 175 с.; Далгат У. Б. Литература и фольклор. – М.: Наука, 1981; Гусев В. Е. Типология фольклоризма. – Кичкемет (Венгрия), 1985; Лазеров А. И. Типология литературного фольклоризма. – Челябинск, 1991; Скаковская Л. Н. Фольклорная парадигма русской прозы последней трети XX века: Автореф. Дисс ...докт. филол. Наук. – Тверь, 2004; Хазанкович Ю. Г. Фольклорно-эпические традиции в прозе малочисленных народов России (на материале мансийской, ненецкой, нивхской, хантыйской, чукотской и звенкийской литературе): Автореф. Дис... док. Филол. Наук. – Москва, 2009; Ойбек. Асарлар. Ўн жилдлик. 9-жилд. – Т.: Фан, 1974; Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. X жилд. – Т.: Фан, 1977; Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ оғзаки ижодиёти. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1974; Нурмухамедов М. Туркий халқлар адабиётида оғзаки ва ёзма аъналар синтези масаласига доир (Қорақалпоқ совет адабиётининг асосчиси Аяпберген Мусо ўғли ижоди мисолида) // Ўзбек тили ва адабиёти №6. 1981. – Б. 3-15; Мақсетов Қ. Фольклор ҳам эдебиат. – Нокис: Қарақалпақстан, 1975; Собиров О. Ўзбек реалистик прозаси ва фольклор. – Т.: Фан, 1979; Саримсоқов Б. И. Фольклоризмлар типологияси масаласига доир. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 1990. №4. – Б. 37-45; Ярмагов И. Типология фольклоризмов в советской узбекской литературе (60-е начало 80-х годов): Автореф дисс...канд. филол. наук. – Т.: 1985; Абдулхамидов А. Фольклор ва миллий роман // Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари адабиётидаги роман жанрини типологик ўрганиш. – Тошкент.: Фан, 1991. – Б. 30-49; Амилова М. Ўзбек совет адабиётида фольклор аъналарини. – Т.:

Фольклор ва ёзма адабиёт муносабати қадимий ва бардавом ҳодисадир. Ғарб олимларининг тадқиқотларида таъкидланишича, оғзаки анъаналарда тарқалган асарларни ёзма адабиётга олиб кириш XIII асрларга тўғри келади. Бунинг ёрқин мисоли “Исланд сагалари”дир³.

Рус фольклоршуносларининг ёзишича, халқ ижодиётига мансуб асарларни қайта ишлаш ва уларни ёзма шаклда оммалаштириш XVIII аср охири XIX аср бошларига тўғри келади⁴.

Халқ китоблари фольклордаги кўринишини ўзгартириб, пардозланиб янги бир кўрам шакл касб этганлиги учун ўша даврда уларни “рангли адабиёт” (“ряженая литература”) атамаси билан юритишган⁵.

Ўзбек фольклоршунослигида эътироф этилишича, халқ дostonларининг жадал кўчирилиш даври XVI–XVII асрларга тўғри келади⁶.

XX асрнинг ўрталарига келиб фольклоризмнинг асл моҳияти хусусида турли мунозаралар пайдо бўлди, фольклоризмнинг ўзи нима эканлиги хусусида турли қарашлар тадқиқот доирасига тортилди.

Рус фольклоршунослари тадқиқотларида таъкидланишича, фольклоризм ёзувчи ижодининг халқчиллигига бевосита алоқадордир. Халқ поэтик сўз санъати бамисоли денгиздир. Унинг бағрида сузувчиларга жой етиб ортади ва уларнинг ҳар бири ўзига керак нарсани топа олади⁷.

Фольклоршунос У.Б. Далгитнинг таъкидлашича, фольклоризмларнинг бадий самараси ижодкорнинг ғоявий-эстетик позицияси билан боғлиқдир⁸.

Фольклоршунос В. Кубилнос фольклоризмлардан фойдаланишнинг уч йўналишини кўрсатиб беради. 1. Фольклор стилизацияси. 2. Фольклор мотивларининг руҳий шарҳи. 3. Халқ мифологиясига мурожаат⁹. Ушбу тасниф фольклоризмлар моҳиятига анча мос келади.

Г.А. Левинтон А. Блок асарларидаги фольклор анъаналарига асосланиб, фольклоризмларни қуйидагича гуруҳлайди. 1. Жанрлар стилизацияси. 2. Халқ тилидан фойдаланиш. 3. Архетип (мифология)¹⁰. Ушбу тасниф ҳам моҳиятан юқоридаги тармоқланишга деярлик мос тушади.

Шунингдек, рус фольклоршунослари А.А. Горелов. В.В. Виноградов, Ю.М. Минералов, Г.Ю. Завгороднаяларнинг ишларида¹¹ фольклоризмлар

Фан, 1990; Мўминов Ф. Ҳозирги ўзбек адабиётида фольклоризм: Филол. Фан. докт...дис автореф. – Т.: 1994; Шарипова Л. XX асрнинг 70-80-йиллари ўзбек шеърлятида фольклоризмлар. Филол. Фан. ном...дис. автореф. – Т.: 2008; С. Рўзимбоев. Соз ва созанда тақдири ҳақида роман, “Хоразм ҳақиқати” газетаси 2013 йил 3 август; Яна ўша Шоир ва халқ оғзаки ижоди. // Филологические исследования. – Т.: 2003. – С. 37-39.

³Стеблин – Каменский. Мир саги. Становление литературы. – Л.: Наука, 1984. – С. 51. (246)

⁴Базанов В. От фольклора к народной книге. – Л.: “Художественная литература. 1973. – С. 68. (356)

⁵Базанов В. Кўрсатилган асар. – Б.66.

⁶Мирзаев Т. Эпос и сказитель. – Т.: Фан, 2008. – С. 33.

⁷Выходцев П. С. На стыке двух художественных культур. // Русский фольклор. Т. XIX – Л.: Наука, 1979. С.8, 27. (3-30)

⁸Далгат У. Б. Литература и фольклор. – М.: Наука, 1981. – С. 211.

⁹Кубилнос В. Формирование национальной литературы – подражательность или художественная трансформация? // Вопросы литературы. 1976. №8. – С. 21-28.

¹⁰Левинтон Г. А. Заметки о фольклоризме Блока. // Миф – фольклор – литература. – С. 172.

¹¹Қаранг: Горелов А. А. К. Истолкованию понятия «фольклоризм литературы. // Русский фольклор. Т XIX – Л.: Наука, 1979. – С. 31-89; Виноградов В. В. Стиль Пушкина – М.: 1999; Минералов Ю. И. Теории художественной словесности (Поэтика и индивидуальность) – М.: 1999; Завгородная Г. Ю. Стилизация и стиль в русской классической прозе. – М.: 2010.

масаласига тўхталиб унинг **иктибосли фольклоризм** (цитатный), **стилизион фольклоризм**, **дунёқараш** (халқ менталитети) **фольклоризми, жанрий фольклоризм** каби турлари кўрсатиб ўтилади.

Ўзбек фольклоршунослигида Б.Саримсоқов юқорида кўрсатилган рус олимлари асарларидаги хулосаларга таянган ҳолда, ўзбек адабиётидаги фольклоризмлар тушунчаси ҳақида айрим фикрларни баён қилади. Унинг таъкидлашича “...бирор ижодкор асарига бирор мақсад билан киритилган фольклорга хос материални фольклор деб эмас, балки фольклоризм атамаси билан юритиш лозим, чунки унга ижодкор томонидан муайян бир “ишлов” берилган бўлади”¹².

Б.Саримсоқов ёзма адабиётда халқ ижодиётидан фойдаланиш тамойилини оддий ва мураккаб фольклоризмларга бўлади.

Оддий фольклоризмлар сифатида мақол, маталлар, юмуқ иборалар, оғзаки нутқ учун хос ифода ҳамда оборотлардан фойдаланиш тамойилларини кўрсатади.

Мураккаб фольклоризмларни эса қуйидагича белгилайди: а) аналитик фольклоризмлар; б) синтезлашган фольклоризмлар; в) стилизация характеридаги фольклоризмлар.

Рус фольклоршунослари стилизион фольклоризмларни оддий фольклоризм сифатида қайд қилишади. Стилизация бу халқ ижодиёти асарлари руҳида ижод қилиш демакдир. Шундай экан, бизнинг фикримизча, бу масалада рус фольклоршуносларининг таснифи ҳақиқатга мос келади.

Рус фольклоршунослари тадқиқотларида учрайдиган “Рангли адабиёт” (ряженая литература) “иктибосли” (цитатный), жанрий, дунёқараш (менталитет) фольклоризмлари атамаларига ҳам муносабат билдиришга тўғри келади.

Бизнинг фикримизча, XIX асрлардан бошлаб ўзбек адабиётида ёзувга кўчирилган қисса-достонлар русларнинг “Рангли адабиёт” тушунчасига анча мос келади. Қисса-достонлар фольклоризм эмас, балки фольклорнинг ўзидир. Улар кўчирилиш жараёнида фақат сифат жиҳатидангина ўзини янгилаган, холос.

“Иқтибосли фольклоризм” бирикмаси ҳам эътиборни тортади. Негаки мақол, матал ва образли иборалар ижодкор томонидан шаклан айнан келтирилади, айрим ҳоллардагина, аксарият шеърятда улар муайян ўзгаришларга учраши мумкин. Шу сабабли фанда ушбу атамани ишлатиш мақсадга мувофиқдир.

Жанрий фольклоризмлар кўп ҳолларда лирикага мос келади. Халқ кўшиқлари шакли ва мазмунига тақлидан яратилган шеърлар Эркин Самандар лирикасида тез-тез кўзга ташланади. Охирига нақарот қўшилган олтилик ва саккизлик бандлардан тузилган шеърлар унинг ижодида анчани ташкил этади. Ушбу шакллар Хоразм халфачилик санъатида фаол оммалашган. Шоирнинг бу усулдаги стилизацияси ўзининг халқоналиги билан алоҳида ажралиб туради.

¹² Саримсоқов Б. Фольклоризмлар типологиясига доир. / Ўзбек тили ва адабиёти, 1984, №4. – Б. 34-45.

Дунёқараш (менталитет билан боғлиқ) фольклоризми халқнинг этнографик хусусиятлари асосида ижод қилмоқдир.

Шу нарсани таъкидлаш керакки, мустақиллик даври Хоразм адабий муҳити вакиллари ижодида фольклор анъаналарининг бардавомлиги масаласи илк бора ўрганилаётир.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий тадқиқот муассасасининг илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот Урганч Давлат университетининг 2020–2030 йилларга мўлжалланган “Ўзбек адабиёти ва фольклоршунослигининг долзарб масалалари” йўналишида олиб борилаётган тадқиқотлар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади мустақиллик йилларида Хоразм адиблари томонидан яратилган қатор романлар, шеърлар ва драматик асарларнинг композицион тузилиши ва сюжет тизимида фольклоризмларнинг семантик функциялари ва бадиий эстетик вазифаларини аниқлаш асосида адибларнинг халқ ижодиётидан фойдаланишдаги индивидуал бадиий маҳоратини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

–Хоразм адибларининг лирик асарларида ғоявий мақсадни ифодалашда халқ мақол ва маталларининг ўрнини аниқлаш;

–замонавий шеърятда фольклоризмнинг синтезлашувини илмий асослаш;

–йирик насрий асарларда миф, афсона ва ривоятларнинг тутган ўрнини аниқлаш;

–романларда барқарор бирикмалар, лирик парчалар ва халқона ташбеҳларнинг истифода этилиши миқёсини кўрсатиш;

–йирик насрий асарларда фольклоризмлардан фойдаланишда ижодкорларнинг бадиий маҳоратини очиб бериш;

–драматик асарларда аналитик фольклоризмлардан фойдаланиш тамойилларини тадқиқ этиш;

–драматик асарларда стилизация характеридаги фольклоризмларда халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт анъаналарининг синтезлашув хусусиятини ёритиш;

–драматик асарларда стилизация характеридаги фольклоризмлар ва уларнинг янгилиниш жиҳатларини асослаш;

–драмаларда оддий фольклоризмларнинг қўлланилиши даражасини белгилаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Эркин Самандар, Комил Аваз, Ошиқ Эркин каби ижодкорларнинг романлари, шеърӣ тўпламлари ва драматик асарлари белгиланди.

Тадқиқотнинг предметини хоразмлик ижодкорлар томонидан мустақиллик йилларида яратилган асарларда фаол қўлланилган фольклоризмларнинг ўрнини аниқлаш ва таҳлил этиш ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, структурал ҳамда бадиий таҳлил усулларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

мустақиллик йилларида Хоразм адабий муҳити вакиллари томонидан яратилган шеърӣ асарнинг бадиий-композицион, лингвопоэтик, услубий-вазифавий хусусиятлари, уларда халқ мақол ва маталлари, ҳикматли сўзларни баъзан айнан, баъзан мазмунини сақлаган ҳолда қўлланилиш даражаси ва ғоявий мақсадни ифодалашдаги ўрни аниқланган ҳамда замонавий шеърӣятда фаол қўлланилишда бўлган фольклоризмларнинг синтезлашуви, халққа хос фразеологизмлар, учирӣк сўзлар, шевага оид лексик бирликлар, анафора, аллитерация, морфологик воситаларга ҳам мурожаат этилиши, халқ дostonлари шеърӣятига назира бағишлаш анъанаси мавжудлиги асосланган;

йирик насрий асарларда миф, афсона ва ривоятларнинг қўлланилиш даражаси, уларда афсона, ривоят, мақол, матал, фразеологик иборалар, мифологияга алоқадор башоратчи ҳомийлар, фариштасифат образлар истифода этилганлиги, халқ театри асарларидан намуналар келтирилганлиги, образлар портрети халқ эпосидаги андозаларни эслатиши, мифологик мотивлар, бадиий матндаги туш мотивлари бадиий асар таркибида икки хил: тимсол ва рамзларга йўғрилган ҳамда очӣк ахборот тарзида намоён бўлиши, мақолларнинг баъзан айнан шакли, айрим ҳолларда янгиланган шакллари, ўз навбатида муаллиф томонидан кашф этилган намуналари учраши, барқарор бирикмалар, лирик парчалар ва халқона ташбеҳларнинг истифода этилиши миқёси ҳамда уларнинг жанр поэтикасида тутган ўрни очӣб берилган;

драматик асарларда аналитик фольклоризмлардан фойдаланиш тамойиллари, оддий фольклоризмларнинг қўлланилиши даражаси, стилизация характеридаги фольклоризмларда халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт анъаналарининг синтезлашув хусусияти, уларнинг янгилиниш жиҳатлари, драматик асарларда тарихий-этнографик лавҳаларни жонлантирилганлиги, фольклорий-этнографик тасвир кўлами салмоқчилиги, аналитик фольклоризмлар доирасини латифа, нақл каби жанрлар билан тўлдирилганлиги, латифа комедиядаги юмористик кайфиятни жонлантиришга кўмаклашса, нақл уларга дидактик руҳ бағишлаганлиги, стилизация характеридаги фольклоризмларга эътибор кучли намоён бўлганлиги, улардаги ўхшатишлар, сифатлашлар, қофияланиш тартиби халқона характер касб этиши, халқ тилидаги ўзига хос локал хусусиятга эга бўлган киноя, шама, мазах, ҳазил, пичинг каби ҳолатлар комедиялардаги бадиий нутққа безак бўлиб хизмат этганлиги исботланган;

Хоразм ижодкорлари асарларнинг халқона характер касб этишини, бадиий эстетик таъсирчанлигини ошириш, асар тилининг халқчиллигини, улардаги маҳаллий колоритни, юмористик руҳнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида фольклоризмларга мурожаат қилганликлари ҳамда адибларнинг бу борадаги поэтик маҳоратлари ва ўзига хослик даражаси очӣб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Хоразм адибларининг истиқлол даврида яратган асарларида фольклоризмларни қўллаш орқали ўзбек адабиётида лирик, насрий, драматик асарларнинг шаклий-услубий, поэтик имкониятларини янгилаш ва бойитишга қўшган ҳиссасини очиб бериш билан бугунги адабий жараёндаги жанрий изланишларнинг хусусиятлари ёритилган;

мустақиллик даври Хоразм адабий муҳотида фольклорга хос дoston, қўшиқ, аския, қўшиқ, эртак ва топишмоқ жанрларини, мифологик образларни стилизация қилишнинг анъанавий ва замонавий белгилари очиб берилган;

Хоразм адабий муҳоти вакиллари томонидан мустақиллик йилларида яратилган асарлар поэтикасининг шаклланишида фольклоризмларнинг муҳим аҳамият касб этгани, улар поэтик тафаккурни янгилашнинг етакчи адабий-эстетик омили экани асосланган;

Хоразм адибларининг истиқлол даврида яратган асарларида истифода этилган фольклоризмларнинг лирик, эпик ва драматик асарлар композициясидаги роли, асарларда учрайдиган айрим анъанавий мавзу, мотив, образларнинг давр воқеликларига мос янгича кўринишдаги поэтик ва услубий талқинлари, уларнинг образ яратиш, асар тилининг ҳиссий-услубий таъсирчанлигини ошириш, воқеликнинг этномаданий тасвирини гавдалантириш ва ижтимоий-сиёсий мундарижасини ёритиш, миллийлик, халқчиллик, ғоявий таъсирчанликни ошириш билан боғлиқ бадиий-эстетик вазифалари аниқланган;

фольклоризмларнинг шеърятдаги, насрдаги ва драматургиядаги кўринишлари, уларнинг аналитик, стилизация, оддий турларининг ижодкорлар томонидан қайта ишланишида ҳар бир ижодкорнинг ўзига хос услуби ва маҳорати очиб берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўйилган илмий муаммонинг аниқ ўрганилиш чегаралари белгиланганлиги, чиқарилган хулосаларнинг илмий асосланганлиги, таҳлилга тортилган манбаларнинг қиёсий-типологик, қиёсий-тарихий, структурал ҳамда бадиий таҳлил усуллари воситасида текширилганлиги, назарий фикр ва хулосаларнинг амалиётга жорий этилганлиги, Хоразм адибларининг мустақиллик йилларида ёзган асарлари адабиётшуносликнинг замонавий илмий концепциялари асосида ўрганилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти Хоразм адиблари ижодида фольклор анъаналарининг ёзувчи ва шоирлар поэтик маҳоратларини ўрганишда етакчи омил бўлгани, фольклоризмларнинг қўлланилиши ва қайта ишланишида ижодкорларнинг ўзига хослиги, фольклоризмлар фаол истифода этилган лирик, насрий ва драматик асарларнинг ўзига хос бадиий-композицион, лингвопоэтик, услубий ифода хусусиятлари, оғзаки ва ёзма адабиётдаги жанрларнинг муштарак қирралари, уларнинг бир-бирига ўзаро таъсири, генетик алоқадорлиги, фольклоризмларнинг стилизация асосидаги поэтик-тадрижий такомили билан боғлиқ назарий хулосалардан фольклоршунослик

ва адабиётшунослик йўналишидаги ишларда манба сифатида фойдаланиш мумкинлиги билан белгиланади.

Диссертация натижаларининг амалий аҳамияти ишдаги назарий умумлашма ва таҳлиллардан «Ўзбек фольклори», «Ўзбек мифологияси», «Адабиёт назарияси», “Ҳозирги адабий жараён” фанларидан дарслик, ўқув қўлланма, мажмуалар яратишда; адабиётшунослик терминлари луғатини такомиллаштиришда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хоразм адиблари ижодида фольклор анъаналарини тадқиқ қилиш жараёнида эришилган илмий натижалар асосида:

тадқиқот доирасида чоп қилинган “Халқ драмасидан андоза олиб...” услубий қўлланмаси ҳамда “Хоразм адиблари лирикаси ва халқ шеърляти”, “Ҳозирги давр ўзбек романчилигида фольклор анъаналарининг тутган ўрни” мақолаларидан А-ФА-2019-9 шифрли “Қадимий ёзма ноёб қўлёзма ва манбаларни тадқиқ қилиш, уларнинг рақамлаштирилган библиотекасини яратиш” номли амалий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Хоразм Маъмун академиясининг 2021 йил 31 майдаги 75/2-21 рақамли маълумотномаси). Натижада ўзбек халқ ижоди анъаналари ва миллий қадриятларимизни эъзозлаш, маънавий меросни асраб-авайлаш руҳини ёшлар қалбида шакллантиришга эришилган;

драматургия ва фольклор билан боғлиқ илмий натижалар ҳақидаги хулосалар ва Эркин Самандарнинг “Олма пишганда келинг” номли мусикали комедияси тадқиқига бағишланган ўқув-услубий қўлланмадан А-ФА-2019-9 шифрли “Қадимий ёзма ноёб қўлёзма ва манбаларни тадқиқ қилиш, уларнинг рақамлаштирилган библиотекасини яратиш” номли амалий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги Хоразм вилояти маданият бошқармасининг 2021 йил 2 июндаги 419-1 рақамли маълумотномаси). Натижада Хоразм вилоятидаги музей ва кутубхоналарнинг фондини бойитишга эришилган;

романларда барқарор бирикмалар, лирик парчалар ва халқона ташбеҳларнинг истифода этилиши ва уларнинг бадий-композицион, лингвопоэтик, услубий-вазифавий хусусиятлари каби илмий қарашлардан Erasmus+ дастурининг 585845-EPP-1-2017-1-ES-EPPKA2-CBHD-JP “Development of the interdisciplinary master program on Computation Linguistics at Central Asian Universities: CLASS” грант лойиҳасида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 2021 йил 22 июндаги 89-06-683 рақамли маълумотномаси). Натижада романларнинг бадий-композицион, лингвопоэтик, услубий-вазифавий хусусиятлари, улардаги барқарор бирикмалар, лирик парчалар ва халқона ташбеҳларнинг халқ оғзаки ижодидаги кўринишлари билан генетик алоқадорлиги, ўхшаш ва фарқли жиҳатлари бўйича илмий тасаввур-тушунчаларини бойитишга эришилган;

фольклор анъаналарининг шеърлятдаги жилолари, йирик насрий асарлар ва халқ ижодиёти ҳамда драматик асарларда фольклоризмлардан фойдаланиш тамойиллари, уларда учрайдиган анъанавий мотивлар, янгича

кўринишдаги талқинлари ҳақидаги хулосалардан И-ФА-2019.25 шифрли “Хоразм шаҳарларининг тарихи, маданий мерослари, обидалари ва санъат асарлари тадқиқотлари асосида SMART технологияларини яратиш” мавзусидаги (2019-2021й.й.) лойиҳада фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2021 йил 18 августдаги 3/1255-2295 рақамли маълумотномаси). Натижада Хоразм адиблари асарларида истифода этилган фольклоризмларнинг манбалари, бадиий-эстетик ўзига хослигини ёритиб беришга, мустақиллик йилларида Хоразм адабий муҳити вакиллари томонидан яратилган турли асарлар таркибидаги фольклор унсурларининг этномаданий тасвирини гавдалантириш ва ижтимоий-сиёсий мундарижасини намойиш қилишдаги бадиий-эстетик аҳамиятини асослашга ҳамда номоддий ёдгорликларнинг маънавий қийматини аниқлашга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 3 та халқаро конференция ва 4 та республика илмий-назарий анжуманларида апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 13 та илмий иш эълон қилинган. Жумладан, 1 та услубий кўлланма, халқаро ҳамда республика илмий-назарий конференция материалларида 7 та мақола, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 5 илмий мақола, жумладан, 4 таси республика, 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан таркиб топган. Тадқиқотнинг умумий ҳажми 147 саҳифадан иборат.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари белгиланган, тадқиқот объекти ва предмети кўрсатилган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги баён қилинган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари тавсифланган, тадқиқот усуллари белгиланган ҳамда эълон этилган ишлар ва диссертация таркиби ҳақида маълумот берилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Фольклор анъаналарининг шеърятдаги жиолари**» деб аталиб, икки фаслдан иборат. Ушбу бобда Хоразм адиблари Эркин Самандар, Ошиқ Эркин ва Комил Авазларнинг мустақиллик йилларида яратган лирик асарларида кўлланилган халқ мақол ва маталларининг ғоявий мақсадни ифодалашдаги ўрни, замонавий шеърятда фольклоризмларнинг синтезлашуви масаласи таҳлил этилади.

Биринчи фасл “**Шеърятда ғоявий мақсадни ифодалашда халқ мақол ва маталларининг ўрни**” деб номланади. Ушбу фаслда Эркин Самандар, Ошиқ Эркин ва Комил Авазларнинг мустақиллик йилларида ижод қилган шеърый асарларидаги фольклор анъаналари таҳлил этилади.

Шеърят инсоният бадий тафаккурининг илк мевасидир. Уларнинг пайдо бўлишида ибодат ва маросимларнинг роли катта бўлган. Чунки дин арбоблари бўлган коҳинлар кўшиқларни речитатив (куй оҳангида) ижро қилганлар. Кўшиқ ритмга солинган нутқ тарзида бўлган¹.

Поэзия инсоният маънавиятининг ибтидоий кўринишларидан биридир. Ёзма адабиёт юзага келгандан кейин ҳам шеърятнинг яқин йўлдоши кўшиқлар бўлиб қолган. Шу сабабли ёзма адабиётнинг энг талантли намояндалари ўз шеърятда халқ кўшиқлари оҳангларига мурожаат қилишади. Ушбу усул фанда фольклоризмларнинг бир кўринишидир. “Фольклоризмларнинг йўналишларини тадқиқ қилиш, ижодкорларнинг бадий маҳоратини ёритишда ва уларнинг халқ маънавий маданиятига муносабатини ойдинлаштиришда катта роль ўйнайди”².

Халқ ижодиётидан илҳом олиш, унинг фаол турлари бўлган мақоллар, маталлар, ҳикматли сўзлар, халқ тилининг образли ифодаларига бой воситалари ўзбек адабиётининг равнақиға мислсиз ижобий таъсир кўрсатади³.

Эркин Самандар шеърятда бу масалаға алоҳида эътибор қаратилган. Шоир ижод жараёнида халқ мақолларини мисралар ичига сингдириб, фикрий теран хулосалар ясайди, натижада шеърдаги маъно кучайиб, фалсафийлик рўёбга чиқади:

Сўзлагувчи аҳмоқ бўлса гар,
Англамоққа доно керакдир⁴.

Ижодкор аксарият шеърларида ушбу тамойилни тутиб, мисралардаги фикрий салмоқдорликни юксалтиради. Битта мақол асосида баъзан банд ҳосил бўлади:

Демишларки, ҳатто илон
Кирав инига
Агар унга йўлин топиб
Яхши сўз айтсанг. (“Юракка йўл”, 58-бет.)

Эркин Самандар шеърларида халқ ижодиётидан фойдаланиш тамойиллари ниҳоятда ранг-баранг ва серқиррадир. Унинг лирикаси мағзида мақоллар, маталлар, фразеологик иборалар, фонопоэтик воситалар ҳамиша жилоланиб туради.

Хоразм адабий муҳитида 50-йиллардан бери кўшиқчи шоир сифатида танилган Ошиқ Эркин мустақиллик йилларида янада катта ижодий зафарларға эришди.

Ошиқ Эркин кўшиқчи шоир, таҳаллусни ҳам “Ошиқ” тарзида бежиз танламаган. Унинг ижодида севги-муҳаббат мавзуси алоҳида кўзға ташланиб туради. У шеърларида мақол ва ҳикматли сўзларни қўллаганда кўпроқ ишқ мавзусидаги ибораларға мурожаат қилади:

¹ Косвен М. О.Ибтидоий маданият тарихидан очерклар. – Т.: Фан, 1960. – Б. 180 (240)

² Далгат У. Б. Литература и фольклор. – М.: Наука, 1981. – С. 69.

³ Собиров О. Адабиёт ва фольклор. // Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: “Ўқитувчи”, 1980. – С. 342 (341-354)

⁴ Эркин Самандар. Юракка йўл. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1990. – Б.14.

Биларсиз **севги ёш танламас**, деган,
Бордир эл ичинда масал, Гулнора⁵.

Шоир қалб изҳорини мақол келтириш билан асосламоқчи бўлади ва мисраларнинг ҳам салмоқдорлигини рўёбга чиқаради.

Иккинчи бир жойда шоир мақолни истифода этар экан, ундан ёрга бўлган илтижо маъносини кучайтириш мақсадида фойдаланади.

Зорим бору зўрим йўқ, гар келсанг, ана бағрим. (“Ўлгунча сизни дерман”, 49-бет.)

Ошиқ Эркиннинг етакчи лирик қаҳрамонлари ошиқ ва маъшуқадир. Шу боисдан ҳар бир афористик ибора севги-муҳаббат билан боғланиб кетади. Шеър мисраларини оҳангдор ва таъсирчан чиқиши учун шоир мақол ва маталларнинг турли кўринишларини шеър таркибига жойлайди:

Ўсма кетар-ку қош қолар, дўппи кетар-ку бош қолар,

Жоним, Ошиқ Эркин билан яйрамасинми бошқалар. (“Ўлгунча сизни дерман”, 69-бет.)

Шоирнинг маҳорати шу ердаки, мақол матнидаги “бош қолар” бирикмасига “бошқалар” сўзини қофия қилгани ҳолда ажойиб сўз ўйинини рўёбга чиқаради, ўз навбатида, айрича маънога эга бўлган шаклдош сўзларни кашф қилади.

Мақоллар, ҳикматли сўзлар ижодкорнинг ҳар бир шеърида ўзини намоён қилиб туради. У мақол тарзидаги иборани келтирар экан, ижодий мақсадни амалга оширади. Тайёр сатрга сатр қўшиб, афоризмга хос байтлар яратади:

Муҳаббатни чидаганга чиқарган,

Ким чидамас, ранги рўйи сомондир. (“Ўлгунча сизни дерман”, 137-бет.)

Ўзидан олдинги ижодкорлар анъанасини давом эттирган Ошиқ Эркин ҳам фольклор асарлари таъсирида ижод қилиб камолга етди ва халқ орасида машҳурлик қозонди.

Ижодкор қўшиқ ёзар экан, халқ шеърлятидаги анъанавий ўхшатишларни жамлаб ўйноқи ва самимий мисралар яратади.

Киприги ўқ, қоши ҳилол, қуёш ёноқда қўш қора хол,

Тишлари дур, тиллари бол, ой деса ой, кун деса кун.

(“Ўлгунча сизни дерман”, 257-бет.)

Ошиқ Эркин Хоразм шеърларида ўғуз лаҳжасига мансуб турли образли ифодалар, барқарор бирикмаларнинг турли шаклларида фойдаланишга ҳаракат қилади:

Ишқингда **дири ёқдинг** хивали қиз сан мани,

Қоши сурма, қўллари хинали қиз сан мани. (“Ўлгунча сизни дерман”, 61-бет.)

Хоразмда, хусусан, Хивада “дири ёқдинг” бирикмаси фаол ишлатилиб, “тирик ёқдинг”, “тоқатимни тоқ қилдинг”, “қийнадинг” маъноларини беради. Ушбу бирикма қўшиқдаги лирик қаҳрамоннинг изтиробли қалб нидосини ифодалашга хизмат қилдирилган.

⁵ Ошиқ Эркин. Ўлгунча сизни дерман. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 2007. – Б.14.

Ҳозирги даврда ижод қилаётган шоирлар орасида Комил Аваз ҳам шеърларида мақол, маталларга, юмуқ ибораларга, оғзаки нутққа хос ифода ҳамда айланмаларга тез-тез ўрин ажратади. Шоир шеърларида халқ мақолларини айнан ва қайта ишлаган ҳолда тақдим қилиш тамойили фаол кўзга ташланади. Ижодкор тақдир ҳақида сўз юритар экан, халқ мақолини айнан келтиради ва унга мос ҳолда ўзи ҳам ҳикматомуз мисралар яратади:

Бошдагини кўз кўрар. Ҳақ умр берсин,
Сабр саботда ушалар армон⁶.

“Муҳаббат” шеърида ҳам шоир мақолларга мурожаат қилиб, ишқ-севги ҳақидаги мулоҳазаларини ҳикматларга бурқаб ҳавола этади:

Бир бошга бир ўлим бордир, бўлмаса гар қанийди,

Лекин ўлмас қуёш каби оташин ишқ-муҳаббат. (“Ўтаётган вақт”, 95-бет.)

Ижодкор мисралар қатига мақолларнинг турфа хилларини жойлар экан, асар ғоясининг юксаклигини, бадий нутқнинг оташинлигини, фикрнинг теранлигини намойиш қилишга эришади. “Албатта, ўзининг ғоявий нияти ва мақсадига қараб ижодкор фольклор аънаналарига турлича муносабатда бўлади. Чунки у бир ўринда фольклор материални шаклан ўзгармай айнан кўлласа, бошқа бир ўринда уни шу даража қайта ишлаб, асарнинг руҳига сингдириб юборадик, кўп ҳолларда бундай фольклоризмни алоҳида олиш ҳам мумкин бўлмай қолади”⁷.

Комил Аваз ўша “Муҳаббат” шеърининг ўзида яна бир мақолни танлаб, уни илгари сурмоқчи бўлган ғоясига мослаб ижодий қайта ишлайди:

Баъзилар тил, меҳнат ила билмас недур қайғу, ғам,

Баъзиларнинг тили ажаб бошга битган балодур. (“Ўтаётган вақт”, 94-бет.)

Шоир тил хусусида сўз юритар экан, “Бошга бало тилдан келур” мақолини қайта ишлаб, мисралар қатига жойлайди, ундаги маънони тўла ўзлаштирган ҳолда шаклини деярлик батамом ўзгартиради. Натижада силлиқ сатрлар рўёбга чиқиб, мазмундор оҳангдорлик таъминланган.

Ижодкор шеърларида оҳангдорликни юксалтириш учун аллитерация ва анафораларга ҳам фаол мурожаат қилади:

Фозил элнинг фарзандлари фозилдир...

Хивага кўрк берар кўк калта минор... (“Ўтаётган вақт”, 57-бет.)

Навоий навога навозиш айлаб,

Дурмуши олам маъни ёзиш айлаб... (“Ўтаётган вақт”, 47-бет.)

Шоир шеърларининг баъзиларида бандлар тўлалигича фонопоэтик ифодаларга бойитилган ҳолда тақдим этилади.

Хулоса қилиб айтганда, Комил Аваз халқ донолигидан ўрганиб, ўзи ҳам шеърлятида доноликка йўғрилган мисраларни кашф қила олди. Натижада шоирнинг кўплаб шеърлари кўшиқ тарзида қуйланиб, халқ орасида оммалашиб кетган.

⁶ Комил Аваз. Ўтаётган вақт (Сайланма). – Т.: “Янги аср авлоди”, 2006. – Б. 53. (260)

⁷ Мирзаева С. Ўзбек реалистик адабиётида фольклор аънаналари. – Т.: “Истиклол”, 2008. – Б. 7. (84)

Бобнинг иккинчи фасли “**Замонавий шеърятда фольклоризмнинг синтезлашуви**” деб номланади. Ушбу фаслда Хоразм адиблари шеърятдаги мураккаб фольклоризмлар таҳлил этилади.

Халқимиз ўз ҳаётини куй-қўшиқсиз тасаввур қила олмайди. Меҳнаткаш омма шодлик онларида ҳам, қайғуга ботган дамларида ҳам қўшиқ куйлаб кўнглига таскин беради. Қадимда феодал саройларида, айрим шаҳарларда профессионал ашулачилар, моҳир қиссахонлар фаолият кўрсатиб, уларни оддий халқ ташналик билан тинглашган⁸.

Халқ шеърятини – қўшиқлар ижодкорларни ҳам ҳаминша ўзига мафтун қилиб келган. Таниқли ёзувчи Ойбек: “Халқ, унинг тарихи, ҳаёти, унинг куй-қўшиқлари мен учун битмас-туганмас илҳом булоғи бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади”⁹, деб ёзади.

Хоразм адиблари шеърларининг фольклор аънаналарига ҳамоҳанглиги, аввало, уларнинг услубий хусусиятларида кўзга ташланади. Уларда халқ ижодига хос бўлган панд-насихат оҳанглари устуворлик қилади. Уларнинг ёрқин намуналари Эркин Самандар шеърятда кўринади.

Тизза бўйи, ўсиб ётган ўтлоқлар,
Оламга бўй сочиб ётган гулбоғлар,
Сабо билан шивирлашган япроқлар,
Кузга бориб сарғайишин ўйламас¹⁰.

Шоир шеърнинг ҳар бандида ҳаётини муаммоларни кўндаланг қўйиб, фалсафий оҳангларда баҳо беради. Уларни ҳал қилишни одамларнинг ўзига ҳавола этади.

Халқ дostonлари шеърятдаги мавзу ва ғояларга монанд мисралар Ошиқ Эркин лирикасида ҳам кўплаб учрайди. “Хурлиқо ва Ҳамро” дostonида кўплаб шеърлар қатори “Ичинда” радибли битта мухаммас берилган бўлиб, унда кажрафтор фалак ҳақида сўз юритилади.

Мухаммасдаги мунгли оҳанг, дунёнинг бевафолигидан шикоят, мискин-бечораларга ачиниш истаган бир кишининг дилини ғашлайди. Шоир Ошиқ Эркин ҳам худди шу муаммони “Муножот” ғазалида кун тартибига қўяди:

Бировларга бериб давлат керагидан зиёда,
Бировларни отли қилдинг, бировларни пиёда.
Бировларнинг мол-дунёга тўймай борар кўзлари,
Бировлар бор мол-дунёга боқмас асло қиё-да.
Ошиқ Эркин илтижоси шулдир сендан, Худойим,
Кўйма ҳеч кимни назардан беш кунлик бу дунёда. (“Ўлгунча сизни дерман”, 7-б).

Шоир дostonдаги мискин мавзуни, кажрафтор фалак адолатсизликларини қайта идрок қилар экан, ушбу адолатсизликларни бартараф қилишни Яратгандан сўрайди.

⁸ Жирмунский В. М., Зарифов Х. Т. Узбекский народный героический эпос. – М.: ГИХЛ, 1947. – С. 281 (520)

⁹ Ойбек. Халққа хизмат – бахт. // Адабиётимиз автобиографияси. – Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1973. – Б. 166. (165-167)

¹⁰ Эркин Самандар. Назм нафаси (Сайланма). – Т.: “Turon Zamin Ziyo”, 2015. – Б. 58 (510)

Ёзма адабиёт билан фольклор учун муҳим бўлган яна бир анъана мавжуд. Хоразм адиблари баъзи ҳолларда маҳаллий лаҳжада шеър ижод қилишади. Маълумки, ҳар бир минтақанинг маҳаллий сўзлашув тили бўлиб, унда адабий тилда ифодалаб бўлмайдиган лексик бирликлар учрайди. Ўша лаҳжада айтилган кўшиқ, куйланган достон кишиларга лаззат бағишлайди. Аслини олганда бу анъананинг ҳам илдизи анча қадимга бориб тақалади. Бу ҳақда тожик фольклоршуноси, профессор Ражаб Амонов шундай ёзади: “XII асрдаёқ Бобо Тоҳир, XV асрларга келиб Жомий, Навоий, Восифий, Гулханий (XIX аср I ярми) каби шоирлар Самарқанд ва Қоратегин шеваларида гўзал шеърлар ижод қилганликлари ҳақидаги далиллар бизгача етиб келган.

Ушбу анъана афғонларда ҳозирда ҳам давом этмоқда. Бу ерда шоирлар чоп қилинадиган шеърларини адабий тилда, халқ орасида ўқиладиганларини маҳаллий лаҳжада ижод қилишади¹¹.

Ошиқ Эркин – кўшиқчи шоир. Шу сабабдан унинг шеърлари орасида Хоразм лаҳжасида битилган шеърини намуналар шунингдек, халқ услубида жаранглайдиган оҳангдор кўшиқлар кўп учрайди:

Оғагинангни гавҳари ишқ оламин сийму зари,
Галай бағрима босайин, гал, галақўй, галай бари.
Воҳай, шу кизни бўйиннан, жаннатий ранги-рўйиннан,
Ўзим санинг дардинг олай. Гал, галақўй, галай, галай. (“Ўлгунча сизни дерман”, 193-бет).

Маҳаллий лаҳжада ёзилган шеърлар оҳангдор ва ўқишли чиқади, шу сабабли халқ орасида кенг тарқалиб кўшиққа айланади, дарҳол хонандалар, айниқса, халқалар репертуарига ўтиб оммавийлашиб кетади.

Ошиқ Эркиннинг бошқа шеърларида ҳам маҳаллий лаҳжага хос иборалар, лексик бирликлар, халқ кўшиқларидаги сайёр мисралар кўплаб учрайди:

Лабда кумуш холинга гўзим дўймин борётир,
Холиннан бўса ол, деб кўнглим кўймин борётир.
 (“Ўлгунча сизни дерман”, 159-бет).

Эркин Самандар ижодида юқоридаги тоифа шеърлар кам кўринса-да, халқ кўшиқларидан иқтибос олиш, уларнинг характерли мисраларини эпиграф сифатида келтириш усулларини қўллайди. Бундай усулнинг Элбек асарларида кенг қўлланилгани хусусида айрим тадқиқотлар мавжуд. Жумладан, у бир шеърда:

“Олмали бокқа кириб шафтолини ерми киши?

Ўз ёри уйда туриб, бегонани дерми киши? шеърини эпиграф қилиб келтирган. Шеърда эса ўша мисраларга монанд фикрларни баён қилган¹².

Ушбу анъана Эркин Самандар шеърлятида ҳам кўзга ташланади. У “Юракка йўл” шеърда куйидаги эпиграфни келтиради:

Галинг деб ҳам айтмайман,

¹¹ Амонов Р. Отношение таджикской народной поэзии к письменной литературе. – Б. 40.

¹² Амонов У. Элбек шеърларида халқ кўшиқларидан иқтибослар. // Ўзбек тили ва адабиёти”, 2017, №5. – Б. 91.

Галманг деб ҳам айтмайман.

Ёзма адабиёт вакиллари орасида халқ дostonлари таркибидаги айрим гўзал шеърларга назира бағишлаш анъанаси ҳам учраб туради.

“Тоҳир ва Зухра” дostonидаги каби Комил Хоразмий ижодида “Гул” радифли ўйноқи шеър учрайди. Комил Хоразмий ўз шеърида гул тавсифини анча теранлаштирган, уни ёзма адабиётга хос янги ташбеҳлар билан бойитган.

Шоир Комил Аваз лирикасида ҳам “Гул” радифли шеър бўлиб, ғазал жанрида ёзилган, беш байтдан иборат.

Комил Авазнинг ушбу ғазали анча мўъжазлиги, замонавийлиги билан ажралиб туради. Унда гул ва булбул такрори асосий ўрин тутмасдан, гулнинг анъанавий таърифи биринчи ўринни эгаллайди:

Нур тегиб олгувси ранг оқ, симу зар, алвоний гул,
Тонгда шабнамдан кейин таратгай бўй анойи гул.
Кўкрагинг тутгил баланд доимо сен Комил Аваз,
Эс-ҳушинг этмиш нишонким бир қоши камони гул.
(“Ўтаётган вақт”, 128-бет.)

Ҳар бир ижодкорнинг ўз овози, ўз услуби, ўз сўз бойлиги ва иқтидори мавжуд. У қайси мавзуда шеър ёзмасин ана шу сифатлари ўз ижодида бўй кўрсатади.

Комил Аваз эса Комил Хоразмий ижодидан илҳомланиб “Гул” ғазалига татаббуъ бағишлаган. Натижада учта ғазал рўёбга чиққан. Бу ҳодиса фольклор ва ёзма адабиётнинг доимий алоқаларининг бардавомлигини кўрсатади.

Хоразм адиблари ижодида стилизация характеридаги фольклоризмлар ҳам кўп учрайди. Бу усулда ижодкор бирор афсона, ривоят мазмуни асосида шеър ёзиши мумкин. Эркин Самандарнинг “Кийик” шеъри айнан ўша тоифадаги асарлар қаторига киради¹³. Айрим манбаларда қайд қилинишича, “Кийик” дostonи Урганчда яшаган Қодир созчи репертуарида мавжуд бўлган¹⁴. Ушбу сюжет айна пайтда “Маликаи Зарнигор” дostonи таркибида ҳам учрайди¹⁵.

Шу нарса эътиборни тортадики, шоир Эркин Самандар бу дoston мазмуни билан таниш бўлган. Асардаги воқеалар меҳр-мурувват, болажонлик, ҳимоясиз қолган жонзотларга раҳм-шафқат ғояларини илгари сургани учун тарбиявий аҳамияти жуда катта.

Ана шу жиҳати билан “Кийик” дostonи шоирни мафтун қилган бўлса керакки, ижодкор “Кийик” шеърини ёзган.

Эркин Самандар халқ ижодиётини, айниқса, миф, афсона ва ривоятларни яхши билади. Улардан ижодий фойдаланиш, бадий тафаккурда қайта ишлаш, теран мазмунли хулоса чиқариш маҳоратига эга.

“Кийик” эпик сюжетини шоир чуқур билгани ҳолда уни замонага мослаб қайта жонлантира олган. Айрим образларни тушириб қолдирган. Энг асосий

¹³ Эркин Самандар. Назм нафаси (Сайланма). – Б. 14-16.

¹⁴ Рўзимбоев Х., Рўзимбоев С. “Хоразм “Гўрўгли” эпоси. – Урганч, “Хоразм”, 2016. – Б. 59. (192)

¹⁵ “Ошиқнома”, Викиноба. – Б. 100-105.

образлар, кийик ва унинг болалари. Сайёд ва сайёдларни сақлаб қолган ҳолда воқеалар ривожини таъминлаб, чуқур ижтимоий-фалсафий ғояни рўёбга чиқарган.

Бинобарин, шоир Эркин Самандар стилизация усулининг ижобий характердаги шаклига амал қилиб, унга қўйилган талабларни муваффақият билан уддалай олган. Фаслнинг давомида Комил Аваз ижодидаги стилизация фольклоризмлар таҳлилига ҳам кенг ўрин берилган.

Умуман олганда, шеърят таркибига афсона ва ривоятларни олиб кириш қадимий анъана бўлиб, улардан асар бадииятини оширишда фойдаланиш ҳар бир ижодкорнинг маҳоратига боғлиқдир.

Диссертациянинг иккинчи боби “Йирик насрий асарлар ва халқ ижодиёти” тарзида номланган. Унда романларда барқарор бирикмалар, лирик парчалар ва халқона ташбеҳларнинг истифода этилиши миқёси, йирик насрий асарларда фольклоризмлардан фойдаланишда ижодкорларнинг бадиий маҳорати таҳлил этилади.

Бобнинг биринчи фасли **“Романларда миф, афсона ва ривоятларнинг тутган ўрни”** деб аталади.

Оғзаки ва ёзма адабиёт синтези қадимий анъаналардан биридир. Ўзбек халқи ўзининг бой ва ранг-баранг фольклор ва ёзма адабий меросига эга. “Адабиёт ва фольклорнинг ўзаро таъсир жараёнини тарихий аспектда ўрганиш шундай фикрга олиб келадикки, икки томонлама алоқанинг характери ёзма адабиётнинг ғоявий-бадиий ривожланиш даражаси билан боғлиқдир”¹⁶.

Ўзбек мумтоз адабиёти минг йиллик тарихга эга бўлса-да, ҳамиша халқ оғзаки ижоди билан мустақкам алоқада бўлиб келди. Чунки “...оғзаки ва ёзма анъаналарнинг уйғунлиги, фольклор адабиёт синтези халқларнинг маънавий ҳаётида ўзига хос ҳодисагина бўлиб қолмай, балки ўтмишда ва ҳозир ҳам турли халқлар бадиий тафаккурининг ранг-баранглиги, бойишини кўрсатувчи ижобий факторлардан бири ҳисобланади”¹⁷.

Ўзбекистоннинг Хоразм минтақаси ўзининг қадимий ёзма адабиёти ва бой фольклор асарлари билан алоҳида кўзга ташланади. Айниқса, мустақиллик йилларига келиб, воҳа ижод аҳли томонидан ўнлаб романлар китобхонларга тақдим қилинди. Наср соҳасида Эркин Самандар ва Комил Аваз каби ёзувчилар катта муваффақиятларни қўлга киритишди.

Хоразм романнавис ёзувчиларининг етакчи намояндаси Эркин Самандардир. У мустақиллик йилларида китобхонларга бир қанча романлар тақдим қилди. Улар орасида “Тангри қудуғи” алоҳида ўрин эгаллайди. XVII асрдаги Хива хонлиги тарихини акс эттирувчи ушбу роман 1996 йилда босилиб чиқди¹⁸.

Асардаги воқеалар тизими композицион жиҳатдан яхлит, сюжет кизиқарли. Асар таркибида афсона, ривоят, хатто мифологик мотивлар ҳам

¹⁶ Далгат У. Б. Литература и фольклор. Москва, Наука, 1981. – С. 37.

¹⁷ Нурмухаммедов М. Туркий халқлар адабиётида оғзаки ва ёзма анъаналар синтези. // Ўзбек тили ва адабиёти, №6, 1981. – С. 3. (3-13)

¹⁸ Эркин Самандар. Тангри қудуғи. – Т.: “Камалак”. – “Ҳазина”, 1996. (395)

истифода этилган. Халқ театри сахнасидан намуналар келтирилган. Ёзувчи асар қатига мифологияга алоқадор башоратчи ҳомийлар, кўзга кўринмайдиган, хаёлда жонланадиган фариштасифат образларни олиб киради, ушбу усул орқали воқеалар оқимида сирли лавҳаларни яратади, китобхонни ҳодисалар гирдобига олиб киради. Ана шундай тоифага кирувчи образлардан бири Бибинур эна, иккинчиси Шамсиддин хожа бўлиб, у илоҳий кудратга эга бўлган башоратчидир. Шамсиддин бировнинг дилидагини англай олади, одамларнинг ички аъзоларини кўра билади, ўғриларнинг кимлиги, қаердалигини айтиб бера олади. Бу борада унга Бибинур эна ҳомийлик қилади. Бибинур эна Шамсиддинга фолбинлик қилишни таъқиқлайди. Аммо шу аснода катта ўғирлик юз бериб, бунинг учун бегуноҳ йигитларнинг қатл этилишини англаб, Бибинур энанинг айтганига амал қилмай ваъдасини бузади. Шамсиддин ўғирлик сирларини очгандан сўнг унинг ёвуз душманлари башоратчини бўрилар маконига олиб бориб, кўл-оёғини танғиб ташлаб кетишади. Тасодифан хон вазири шу жойдан ўтаётиб, маҳкумга дуч келади ва уни озод қилади. Шуниси ҳайратланарлики, озод қилинган йигит кўналғага келтирилгач, сув ичиб, ўзига келгач, ушбу ўтирган жой остида одамнинг суяги, хуржун ва унда сариқ бир нарса бор, бу ерда ўтириш гуноҳдир, деб ўрнидан туради. Вазир Муҳиддинбек, бу гапнинг натижасини билиш учун ўша жойни кавлатиб, барча маълумот тўғри чиққанидан таажжубда қолади.

Эркин Самандар башоратчи образини романга киритар экан, саройдаги кўпгина ғаройиботларни, турмушдаги кўзга кўринмас ажойиботларни, турли фисқу фасодларни унинг ғаройиб башоратлари билан ошқора қила бошлайди, китобхонни сирли гўшаларга етаклайди.

Бинобарин, башоратчи образи халқ ижодиётида ибтидоий ҳаёт давридан бери мавжудки, романнавис ушбу қадамий мифологик образни қайта “яшартиради”. Чунки ...инсоният шу пайтгача яратган ёзма адабиётнинг бирон улкан намунасини мифсиз, миф иштирокисиз тасаввур қилиш мумкин эмас¹⁹.

Эркин Самандар бирор детални келтирса, унинг охириги натижасини эсдан чиқармайди. Романдаги Бўризода номли ит Ҳабашни жинидай ёмон кўради. Охир-оқибат ўша ит Ҳабашни ғажиб ташлаш учун хужум қилади, аммо бир кўлини ғажиган пайтда уни қутқаришади. Бироқ ўша пайтда ит қутурган бўлади, натижада Ҳабаш ҳам қутириш касалига чалинади. Романда қилмиш-қидирмиш ҳикматига ўрин берилган. Ака-укаларнинг иккаласи ҳам қилмишига яраша жазо олади. Элбарсни тириклай кўмишади. Ҳабаш қутургани учун темир панжарага қамалади ва тириклай ёқиб юборилади.

Падаркушларнинг тақдири ҳамиша фожеали яқунланган. Ушбу воқеалар синтезлашган фольклоризмлар доирасига киради.

Эркин Самандар реалистик романга халқ эпосидаги муболағали тасвирларни, девсифат кишилар портретини, халқона тимсолларни маҳорат билан сингдириб юборади. Ёзувчи Жумми нон емас образи портретини

¹⁹ Эшонкул Жаббор. Ўзбек фольклорида туш. – Б. 78.

шундай чизади: “Ичганида бир пақир сувни, еганида бир тандир нонни паққос туширганидан сўнг нон емас лақабини олган” (43-бет).

Жумми нон емаснинг таърифи “Гўрўғли” дostonларидаги айрим салбий образларнинг тимсолига анча яқин келади.

Айрим йигитларнинг портрети эса айнан Гўрўғли қиёфасида берилади: “Хўжамберди қобонни йиқитган овчи отининг туёғи ер титратган, ҳар елкасида бир дев ўтирадиган навкардир”... (196-бет).

Романда инсон портретини гавдалантириш маҳорати жуда юксак. Ёзувчи Жумми нон емасга ўхшаш яна бир киши образини янада қизиқарлироқ таърифлайди: “Бўй-басти чоғроқ кунгурадай, боши дум-думалок, оғзи бир қарич, мўйлови кўчқорнинг шохидай, қулоғи супра, бурни семиз тупроқда пишган қизил сабзидай. Бир ўлтиришда қирқ тухум ейди. Икки пақир сув ичади. Бир тандир зоғорани еб, икки-уч пақир сувни ичиб, бир ҳафтага кетади қумга. Шу егани бир ҳафтага етади. Келгач, тагин бир тандир зоғорани паққос тушириб, топган ўтин пули шу икки тандир зоғорага аранг етади” (44-бет).

Эркин Самандар ҳар бир образни халқона қиёфада гавдалантирар экан, китобхонда унга нисбатан қизиқиш уйғотади. Романда берилган тўй тасвири ҳам эртақлардаги каби муболағалар бўёғида ифодага тортилади. Оловли мавзесидаги тўй тасвири бунга мисол бўла олади.

Романда халқ драмасидан сахна берилган бўлиб, унинг томошасида кўтарилган масалалар халқнинг дилидаги фикр-ўйи эканини ёрқин ифодалай олган.

Дарвоқе, оддий халқ, айниқса, ижод аҳли дилидагини тилида айтиш имкони бўлмаса, уни санъат орқали амалга оширган. Ушбу лавҳа аналитик фольклоризмнинг бир кўринишидир.

Ёзувчи романда Хива қудуғи ва умуман, Хива шаҳрига асос солиниши билан алоқадор афсонани ҳам келтирган.

Асар муаллифининг афсонани келтиришдан асосий мақсадларидан бири Хива шаҳрининг қадимийлиги, муқаддаслигини тасвирлаш бўлса, яна бири асрлар давомида унинг шамолда чайқалган кемадек кўп марта тажовузларга дуч келганлигини баён қилишдир.

Ёзувчи роман ичига миф, афсона ва ривоятларни тасодифан олиб қирмайди, ҳар бир келтирилган халқ афсонаси ижодкор дилидаги бирор мақсадни амалга оширишда бадиий восита ролини ўйнайди.

“Тангри қудуғи” романи таркибидаги яна бир ривоят Хоразмда машҳур бўлган Султон Ваис ҳақидадир. Ёзувчи ушбу ривоятни роман воқеалари тақозоси билан асар таркибига киритади. Мазкур ривоятнинг берилиши воҳа тарихининг яна бир саҳифасини китобхон кўз олдида намоён қилади. Унга боғланган афсонавий тафсилотлар эса табиатнинг илоҳий қудратидан огоҳ бўлишга чорлайди.

Эркин Самандар “Тангри қудуғи” романида фольклор аънаналаридан усталик билан фойдаланган. Бу бадиий нутқнинг жозибadorлигини, бўёқдорлигини юксалтирган, ўқишлилигини оширган.

Ёзувчи Комил Аваз романларида ҳам адабиёт ва фольклор синтезига катта эътибор қаратилган. Фасл давомида унинг “Комил Хоразмий” эссесида келтирилган кўпгина афсона ва ривоятлар, шунингдек, “Созанда” романида фольклорга хос аъёнларнинг берилиши ҳақида атрофлича фикрлар билдирилади.

Бобнинг иккинчи фасли **“Романларда оддий фольклоризмларнинг истифода этилиши”** деб номланган.

Сўз санъатининг ибтидоси фольклорга бориб тақалганлиги сабабли унинг салмоқли таъсири ёзма адабиёт саҳифаларида ҳамиша акс садо бериб келган. Зотан, “... сўз санъати тарихи фольклор билан бошланади. У ёзма адабиётнинг вужудга келишига замин, унинг тараққиётига бой маънавий-бадий манба сифатида хизмат қилади, айни чоқда, ёзма адабиёт ҳам фольклорнинг такомилга самарали таъсир этади”²⁰.

Оғзаки ва ёзма адабиёт ўртасидаги ўзаро муносабат мумтоз адабиётдан тортиб ҳозиргача давом этиб келаётир. Жумладан, Муҳаммад Шариф Гулханий 400 дан ортиқ, Сулаймонқул Рожий 450 га яқин мақолни ўз асарларида ишлатишган²¹.

Адабиётнинг ҳар бир жанри ўз тилига, ўзига хос восита ва имкониятларга эга. Наср ҳажм жиҳатдан кенг ва сўзлашув тилига жуда яқин бўлганлиги сабабли унда мақол ва афоризмлар адабиётнинг бошқа жанрларига қараганда катта ўрин тутаяди²². Эркин Самандарнинг биз юқорида тилга олган “Тангри қудуғи” романида миф, афсона, ривоятлардан ташқари мақол, матал, афоризмлар, идиоматик иборалар, халқона турфа ташбеҳлар ҳам фаол қўлланилган. Асардаги мақоллар матнга чирой бўлиб хизмат қилишидан ташқари, ундаги маънодорликни юксак даражага кўтаради, образларнинг моҳиятини англаб олишга ёрдам беради.

Романнинг асосий образларидан бўлган Ануша шериги билан суҳбатлашаётиб унга бир шахзоданинг ноўрин тегишганини айтганда шериги: “Шу шахзоданинг ақлини киритиб қўйсангиз бўлмасмиди”, – деб сўрайди. Ануша эса: “Букрини фақат гўр тузатади”, – деб жавоб беради. (19-бет).

Ёзувчи томонидан киритилган ушбу мақол бошқа саволга ўрин қолдирмайди. Қолаверса, шахзоданинг тантиқ ва шилқим шахс сифатидаги қиёфаси дарҳол китобхон кўз олдида намоён бўлади.

Романда истифода этилган мақоллар ўз ўрнига кўра учта гуруҳга ажралади. Биринчиси юқоридаги тамойилдагидек, айнан ишлатилган мақоллар, иккинчиси ўзгаришга учраган шакллар, охиригиси муаллифни ўзи томонидан яратилган афоризмлардир.

Романда адолатсиз қозилар, риёкор амалдорлар, сотқин лашкарбошиларнинг образлари ҳам берилган. Уларнинг кирдикорларини очишга мос мақоллар ҳам танланган. Воқеалар давомида зўравон бойнинг қилмиши фош этилади. Бегуноҳ йигит қози олдида боради. Аммо адолат

²⁰ Маллаев Н. М. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1974. – Б. 7. (382)

²¹ Ҳақимов М. Ёзувчи ва халқ тили. – Т.: Фан, 1971. – Б.15. (176.)

²² Ҳақимов М. Ёзувчи ва халқ тили. – Б. 22.

топталади. Шунда йигит куйидагича хулоса чиқаради: “Демак, **қарға қарғанинг кўзини чўқимайди**, қози бой томонда, салтанат қози томонда. Адолат йўқ. **Балиқ бошидан сасийди**” (379-бет).

Романда айнан ўз шаклида фойдаланилган мақоллар сони 50 дан ошади. “Тангри кудуғи” романи тилида яна бир халқчиллик манбаи борки, улар кўпроқ сўзлашув тилида қўлланиладиган маталлардир. “Маталларга хос хусусият юмор ва мазах қилишдир. Умуман, маталлар идиомаларга ўхшаб кетади. Улар оғзаки нутққа, фразеологияга яқиндир. Маталларнинг асосий вазифаси нутққа сайқал бериш бўлиб, улар фикрга равшанлик бағишлашда фойдаланилади. Нутқдаги ҳиссиётни, ифодавийликни кучайтиради²³.

Одатда мақолни маталдан фарқлаш анча мураккабдир. Мақоллар ўз ва кўчма маънода ишлатилиб, ҳукм-хулосага эга бўлса, маталлар фақат кўчма маънода, киноявий тарзда кўзга ташланади.

Романнавис бир йигитнинг эпчил, чаққон ва чапдастлигини ёритар экан, “... қўл-оёқдек бола, одамнинг **енгидан кириб, ёқасидан чиқади**”, маталидан фойдаланади (76-бет). Шумлик, хиёнат, номуссизлик каби ҳислатларга эга бўлган шахс ҳақида гап кетганда “**ҳар каллада бир хаёл, кал каллада минг хаёл**” иборасини келтиради. Роман қатидаги ушбу халқона услуб воқеалар тасвирини жонлантиради, ўқишлилигини оширади, самимий баённи рўёбга чиқаради. Китобхонни сеҳрли ранго-ранг олам оғушига олиб киради.

Оғзаки ва ёзма адабиёт соҳасидаги ўзаро муносабат Комил Аваз ижодида ҳам яққол кўзга ташланади. Ёзувчининг “Созанда” романи бунга мисол бўла олади²⁴. Романда воқеалар силсиласини тўлақонли равишда китобхонларга етказиш учун кўплаб фольклоризмларга мурожаат қилинган.

Хоразм воҳасилаги ҳаёт манзараси бирорта асарда “Созанда”дагидек тўлақонли ифодаланмаган. Романда келтирилган оригинал мақолларни фольклоршунослик соҳасида эълон қилинган бирорта мажмуадан топиш қийин. Улардан айримларини келтирамиз: “Этни есанг дишинга гиради, емасанг душинга гиради”, “Керак теракни йиқитибди”, “Айрон куйилиб ёғ бўлмас, қум уюлиб тоғ бўлмас” ва б. Хоразм оғзаки сўзлашув нутқида оид иборалар адибнинг бадиий нутқида зеб бериб туради: “Мокисини йўқотган мошинчидай”, “Итдан олиб идаликка солдингизлар”, “Ҳова, дим ўлиб дурибман”, “Ўзим гулини чиқараман”.

Асардаги Хоразмга хос лақаблар ҳар бир образнинг ички характер-хусусиятини яққол гавдалантириб, бадиий ифода даражасида кўзга ташланади: Сафо сарроф, Матёқуб позачи, Карим печакчи, Рейма хулпиллама, Матти муррик, Матниёз чўвит, Авазёз зўрриқ кабилар. Ушбу лақаблар фақат воҳага хос бўлган қуйма бирикмалардир.

Хоразм минтақасига хос олқиш ва қарғишларнинг ишлатилиши ҳам асар бадииятида ўзига хос ўрин эгаллайди: “Жонингиздан айланин, шу сўзларни айтган тилингиздан айланин”, “Омин! Тўйнинг оёқ юзи ярашгай! Ибирли-

²³ Галин С.А. Башкирские поговорки, пословицы и айтим. // Фольклор, литература и история Востока. – Т.: Фан, 1984. – С. 320-323.

²⁴ Комил Аваз. Созанда. – Т.: “O‘zbekiston”, 2012. (326)

чибирли бўлғайсизлар, қизим, ўзингиздан кўпайғайсизлар, узумдек мева бергайсан, гужумдек соя бергайсан. Оллоҳ ёринг, фаришталар мададкоринг бўлғай!” Бундай олқишлар асардаги миллий колоритни янада бўрттириб кўрсатади.

Ёзувчи персонажлар нутқи орқали маҳаллий лаҳжанинг гўзал намуналарини бера олган. Айниқса, монолог ва диалогларда бу хусусият алоҳида кўзга ташланади. Бунга Жума журённинг нутқи мисол бўла олади:

Жума журённинг тоқати тоқ бўлди чоғи ёрилди:

– Сарроф дегани пул майдаловчим ахир? – ҳеч кимдан садо чиқмагач, қаҳр билан давом этди, – майдачим, барибир майдачи! **Ҳе, манглайи қора,** ҳеч бўлмаса, уч-тўрт бўлак новвот кўй, зоғорани уч қил!

– На кичқираверасан? Келтирарлар бир ютқи! Бўлмаса, ҳали замон, меҳмонлар ёнига киргач, мазали-мазали таомларни тановул қилар. **Йиқиқ уйдан чиққан тўмозондин** бунча турқинг совуқ! Сўзларинг ундан баттар! Тавба! (244-бет.)

Асарга Жума журённинг маҳаллий лаҳжадаги нутқининг киритилиши асарда миллий руҳнинг намоён бўлишига олиб келган. Унинг таркибида турли урф-одатлар, ҳатто табулар ҳам иштирок этган.

Романда алла жанридан ҳам намуналар берилган. Бунинг сабаби Комил Хоразмий туғилган давр колоритини беришда, ўша даврдаги қадимий кадрятлар билан ҳозирги китобхонни таништиришда катта маърифий аҳамиятга эга. Алладаги олқиш ва тилаклар ўз самимийлиги билан уни кўйловчи шахснинг қалб ҳароратини, ўз фарзандини муҳаббатини яққол ифодалайди. Ушбу омиллар асар мазмун-мундарижасини халқона оҳанглар билан бойитади. Тасвирнинг самимийлигига, образли ифодаларнинг сероблигига олиб келади. Бу эса романнинг бадиий-эстетик юксаклигини яна бир бор намоён қилади.

Диссертациянинг учинчи боби “Драматургия ва фольклор” деб номланади. Бунда драматик асарларда аналитик фольклоризмлардан фойдаланиш тамойиллари тадқиқ этилади ҳамда драматик асарлардаги стилизация характеридаги фольклоризмларда халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт анъаналарининг синтезлашув хусусияти, стилизация характеридаги фольклоризмларнинг янгилашиш жиҳатлари, драмаларда оддий фольклоризмларнинг қўлланилиши даражаси таҳлил этилади.

Бобнинг биринчи фасли **“Драматик асарларда аналитик фольклоризмлардан фойдаланиш тамойиллари”** деб номланади..

Хоразм азалдан рақс санъати билан машҳурдир. С. П. Толстов “Қалта минорликлар” маданияти ҳақида гапириб, уларнинг уйига кираверишдан чап томондаги майдончада “жамоа урф-одати бажарилган ва маросимий рақсларга тушилган”, деб ёзади²⁵.

²⁵Толстов С. П. Қадимий Хоразм цивилизациясини излаб. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2014. – Б. 78. (380)

Қадимги хоразмийларда ҳам америкалик ирокезликларга ўхшаш ҳарбий рақслар ташкил этилган. Унинг акс садоси бўлган “лазги” рақси ҳарбийлик характери ҳозиргача сақлаб келмоқда²⁶.

Маросим инсон моддий ва маънавий турмушининг талаб ва эҳтиёжи билан юзага келган ва келадиган табиий хатти-ҳаракат, безак (декорация) ва матнга эга бўлган ҳаётини “сахна” асаридир²⁷.

Эркин Самандар мустақиллик йилларида яратган “Олма пишганда келинг” драмасида халқ кўшиқлари, мақол ва маталлари, халқона иборалардан самарали фойдаланган ҳолда замонавий сахна асари ярата олган¹. Драмада стилизация тамойилидаги ифодаларга нисбатан аналитик фольклоризмлар кўпроқ учрайди. Комедиянинг бошланишидаёқ халқ кўшигининг ижро этилиши ҳам фикримизни тасдиқлайди.

“Олма пишганда келинг” кўшиғи Хоразмда жуда машҳур бўлиб, унинг тўлиқ матни “Анаш халфа” мажмуасида келтирилган²⁹. Драматург ўша мажмуадаги 4 банднинг учтасидан фойдаланган ва яна бир тўртликни халқ ижодидан олиб кўшган. Дарвоқе, ушбу кўшиқнинг вариантлари анчани ташкил этади.

Аналитик фольклоризмларни асар таркибига киритиш ижодкордан катта маҳорат талаб қилади. Эркин Самандарнинг “Олма пишганда келинг” комедиясида халқ кўшиқларидан парча келтириш орқали халқ кўшиқлари жозибадорлигини намойиш этиш ва ўша жараёнда томошабинларда ҳиссий кўтаринкиликни юзага чиқаришга, қалбини тўлқинлантиришга қаратилган.

Аналитик фольклоризмлар Комил Аваз комедияларида янада фаолроқ намоён бўлади. Драматургнинг барча комедиялари маиший-этнографик мавзуда бўлиб, турли маросим, урф-одатлар билан алоқадор айтимлар, шўх-ўйноқи кўшиқ ва рақслар сахнасига бойдир. Ана шу сахналарда драматург халқ орасида машҳур бўлган кўшиқлар, лапарлар, турли рақсларга мурожаат қилади. Баъзан уларнинг ижрочилари образини ҳам асарга киритиб, томошабинларга тақдим қилади. “Тўли тиммитнинг тўйи” комедияси бунга мисол бўла олади. Драматург тўй сахнасини берар экан, Хоразм тўйларида қатнашадиган халфалар образини комедияга олиб киради. Чунки бу кўхна воҳада тўйларни халфаларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Улар тантанани “Тўй муборак!” кўшиғи билан бошлаб беришади.

Драматург комедияда тўй кўшиқларининг барчасидан намуналар келтирган. Никоҳ тўйларининг халфалар томонидан севиб айтиладиган бир тури “Ёр-ёр”лардир. Улар байтлардан ташкил топган бўлиб, турли рамзлар, ўхшатиш ва сифатлашлар орқали келин бўлаётган қизнинг руҳий ҳолатини, унга нисбатан самимий тилакларни ифода этувчи маросим кўшиқларидир.

Хоразмда “Келин салом” айтиш удуми сақланган. Ушбу маросим Ўзбекистоннинг турли ҳудудларида турлича тарзда амалга оширилади.

²⁶Қиличев Т. Хоразм халқ театри. – Т.: “Адабиёт ва санъат”, 1988. – Б. 17 (182)

²⁷Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. – Т.: “Фан”, 1986. – Б. 9. (216)

¹Эркин Самандар “Олма пишганда келинг”. – Урганч, УрДУ нашриёти, 2020. (Нашрга тайёрловчилар: С. Р. Рўзимбоев, Л. С. Самандарова)

²⁹Анаш халфа. – Т.: “Миллий кутубхона”, 2006. – Б. 21-22. (86)

“Тўли тиммитнинг тўйи” комедияси тўлалигича тўй тавсифи доирасида намоён бўлади. Муаллиф асар таркибига Ёпирда масхарабоз, Давлат пақа-пак каби қизиқчилар образини ҳам киритган. Бу бежиз эмас. Чунки “Хоразм масхарабозларининг қарийб барча томошаларида диалог билан бир қаторда куй, кўшиқ, рақс жуда катта роль ўйнайди”³⁰.

Фаслда Комил Авазнинг “Жобби жужак”, “Тандир” ва бошқа қатор комедиялари ҳам тўлалигича таҳлилга тортилган.

Бобнинг иккинчи фасли **“Стилизация характеридаги фольклоризмлар”** таҳлиliga бағишланган. Стилизация – мураккаб фольклоризмлар таркибига кириб, бу усулда ижодкор образ, ғоя, мотив, услуб ва қатор бошқа адабий анъаналардан фойдаланган ҳолда бадий асарлар яратади. Эркин Самандарнинг “Олма пишганда келинг” комедияси айнан фольклорий-этнографик характер касб этади. Унда никоҳ тўйи муаммолари ҳақида қизиқарли саҳналар берилган.

Комедияда қўйилган муаммо шундан иборатки, икки ёшнинг севгиси масаласи “қалин пули” удумига келиб тақалади ва ечим топа олмай қолади. Ёшларнинг биттаси – Тозагул Бикажоннинг жияни бўлиб ўқиш даврида холасининг уйида яшаган эди. Бикажон эса ушбу муаммони ечишга бел боғлайди. Бу борада унинг ҳийла ишлатишига тўғри келади. Драматург ушбу образ тимсолини шакллантиришда халқ ижодиётидаги анъаналардан илҳом олган. Бикажон шаддод, тадбиркор, ташкилотчи, эл оғзини бириктиришга чора топа олади. Халқ оғзаки ижодиётида бундай тадбиркор, уддабурон аёллар тимсоли кўп учрайди. Образ киёфасига разм солинса, унинг фольклордан стилизация услубида қайта ишланганлиги намоён бўлади.

Эркин Самандар фольклор асарларидаги кўплаб катхудо-кайвонилар, оқила-ақлли образлар, шўх-шодон шахслар тимсолидан баҳра олган ҳолда Бикажон ва Рўзимбей образларига сайқал берган.

Жавлон журра, Хўжа хўжик, Зариф зуваланг каби афандисифат образларнинг халқ ижодидан стилизация усули билан комедияга олиб кирилиши драматургнинг ўзига хос маҳоратидир. Бу образларнинг ҳар бир хатти-ҳаракати томошабинларда завқ уйғотади.

Комедияларда қадимги масхарабозлик кўшиқларидан кенг доирада фойдаланилган. Шулардан бири “Лайлала бурдам”дир.

Комедиялар матнида эртақларга хос стилизация усуллари, ҳатто болалар фольклорига оид лавҳалар ҳам учрайди. Драматург ушбу комедияга ўтмишидаги “Пачиз” ўйини тафсилотларини ҳам киритган ва ўйинда ютқизганларга бериладиган жазо сифатида ёлғон гапириш шарти баҳонасида уч “ёлғон” эртагига монанд лавҳа берган.

Бобнинг учинчи фасли **“Драмаларда оддий фольклоризмларнинг қўлланилиши”**деб номланган.

Эркин Самандар “Олма пишганда галинг” комедиясида оддий фольклоризмлардан тортиб стилизация ва аналитик фольклоризмларгача

³⁰ Қодиров М. Масхарабоз ва қизиқчилар. // Ўзбек фолькори очерклари 2-том. – Т.: Фан, 1989. – Б. 169 (318)

истифода этган. Асардаги образлар юмористик характерда бўлганлигидан барчаси шодон ва шўх, қилиқлари доимо кулги кўзғайди.

Воқеаларни ҳаракатга келтирувчи асосий образлар Бикажон ва Рўзимбейлардир. Уларнинг диалогларида, сўзлаш манераларида самимият, юмор, маҳаллий лаҳжага хос ифодалар ва айна пайтда оқиллик, пок тийнат ўзини яққол намоён қилади.

Бикажон билан Рўзимбей нутқида мақол, матал ва иборалар фаол ишлатилади. Бикажон кайвони аёл, шу сабабли оила ҳаёти, унинг мустаҳкамлиги йўлида жонини фидо қилади. Бу эса унинг нутқида яққол кўзга ташланади: “Кўчада ётган хотин йўқ. Ҳеч қандай ўт-олов хотиннинг битта нафасича исита олмайди эркакни. Балиқ сув билан, эркак хотин билан тирик. Хотин иси ёқмайди эркакдан бир арава лой яхши” (39-бет).

Бикажон билан Рўзимбей диалоглари ҳикматларга, ҳазилларга, чечанлик ва ҳозиржавобликка йўғрилган. Гап орасида мақол ва матал, иборалар фаол ишлатилади, натижада сахна нутқи ўткир, таъсирчан, самимий тарзда жаранглайди. Драмада иштирок этувчи бошқа персонажлар нутқи ҳам халқона услубда ишланган.

Хоразм адиблари орасида драматик асарлар ижод қилиш, уларни театр ва кино соҳасига олиб чиқиш масаласида Комил Аваз алоҳида ажралиб туради. Унинг кўплаб сахна асарлари театр сахнасидан жой олган, айрим драмалари кинотасмаларга муҳрланган.

Сўнгги йилларда унинг 7 та комедияси “Дейишма” номи остида чоп этилди³¹. Китобнинг номи хоразмча сўз бўлиб, “тегинмоқ”, “ҳазиллашмоқ”, “ҳазил-мутойиба” маъноларини англатади. Шунини таъкидлаш жоизки, комедияларнинг барчаси ўғуз лаҳжасига хос оҳангда битилган. Персонажлар нутқи ўғуз лаҳжасида ифодаланганлиги сабабли маҳаллий шевага хос иборалар кўп истифода этилган. Мақоллар, маталлар ҳар бир персонаж нутқида вазиятга мос ўринларда матнга сингдириб юборилган. Хоразм қишлоқларида кишиларни лақаб орқали аниқлаш одат тусига кирган. Шу сабабдан ҳам диалогларда лақаблар жуда фаол ифодага тортилади.

Драматург комедия персонажлари тилидан кўплаб мақолларни келтирган. Хўжа хўжик Жобби жужакка киноя тарзида: “Кўса қариганини, аҳмоқ хориганини билмайди” мақолини ҳавола қилади. Чунки Жоббининг ёши ўтиб қолган эди. “Бўйнидан боғланган ит овга ярамайди” шакли мақтанчоқликка нисбатан ишончсизлик билдириш мақсадида келтирилган. Ўша жойда унинг маъносини янада ойдинлаштириш учун “Эшакни минг безаб минсанг ҳам отдай бўлмайди” муқобили келтирилган. Зўравонлик ҳақида сўз юритилган пайтда “Қамчининг зарби” тилга олинган.

Драматик асарлар доимо икки-уч кишининг мулоқоти асосига қурилганлиги сабабли ўзаро суҳбат оғзаки сўзлашув тилига яқин бўлади. Халқ тилидаги теша тегмаган киноя, шама, мазах, ҳазил, пичинг каби турли ҳолатлар нутқда ўзининг гўзал ифодасига эга бўлади. Масалан, “Бир эди хангилим, икки бўлди шангилим” иборасини адабий тилга айлантириб

³¹Дейишма (Хоразм оҳанглиридаги мусиқий комедиялар) Урганч. “Хоразм”, 2014. – Б. 254.

бўлмайди. Мабодо унинг “Битта дардим икки бўлди” тарзидаги муқобилини ишлатса, иборанинг бадий таъсирчанлиги мутлақо йўқолади. Чунки ушбу иборадан кейин суҳбат драматизми янада юқори поғонага чиқади.

Хоразмда энг кўп ишлатиладиган сўкишлардан биттаси “Манглайи қаро”дир. Драматург ушбу иборани кўп ўринларда қўллаган. Маҳаллий сўзлашув тилида уларнинг адабий тилдаги шаклини ишлатиш нутқнинг кудратини пасайтиради. Комедияларда якка сўкишларнинг намуналари кўп учрайди: “Тарс йўнка”(ўжар), “Бурмак” (қурғур) “Сангги” (дайди). “Кажипой” (тажанг) ва бошқалар.

Эркин Самандар ва Комил Аваз комедияларида маҳаллий шевага оид турли ифодалардан фойдаланиш тасодифий характерга эга эмас. Ижодкорлар ҳар бир образнинг умумийлиги билан бир қаторда уларнинг индивидуал қиёфасини ҳам гавдалантиришга ҳаракат қилганлар ва бу йўлда уларга хос характерларни яратишда халқ ижодиёти чашмаларидан озиқ олганлар.

УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Ёзма адабиёт оғзаки адабиётнинг узвий давомидир. Миллий адабиётнинг илдизлари халқ ижодиёти чашмасидан озиқ олиб, аста-секин ривожланиб борган. Ушбу жараёнда у илк манбасидан узоқлашиб борса-да, ундан озиқланишни бутунлай тарк этмайди. Буни ёзма адабиётимизнинг ҳозирги тараққиёти ёрқин кўрсатиб турибди.

Хоразм адабий муҳитининг етакчи ижодкорлари Э. Самандар, Ошиқ Эркин, К. Аваз каби адибларнинг ижодида ёзма адабиётнинг фольклордан озиқ олиш тамойиллари ёрқин намоён бўлади. Шеърый асарларда фольклоризмларни истифода қилиш қадимий анъана бўлиб, улар кўпроқ мақол ва ҳикматли сўзлар негизида амалга оширилади. Ушбу анъана Э.Самандар, Ошиқ Эркин, К. Аваз шеъриятида намоён бўлган.

2. Адиблар шеърый мисраларда мақолларни аксарият ҳолларда айнан, баъзан матн талаби билан ўзгарган ҳолда қўллашади. Натижада мисраларда фалсафий руҳ ва маънодорлик юксак чўққига чиқади.

Лирикада мақол-маталлар билан биргаликда халқона иборалар, анъанавий ўхшатиш, сифатлашлар, фонопоэтик воситаларга ҳам эътибор қаратилган. Айниқса, қўшиқчи шоир Ошиқ Эркин шеърларида “Дийдоринг сени ойдек”, “Новвот қўшилган чойдек” каби маҳаллий шевага хос бирикмалар кўпроқ учрайди.

Шеъриятда халқона колоритни гавдалантиришнинг турли усуллари қўлланилиб, шулардан бири маҳаллий шевада шеър битишдир. Ошиқ Эркин қўшиқларида бу усул устуворлик қилади. Шу сабабли шоирнинг ушбу тоифа шеърларининг барчаси таниқли хонандалар репертуаридан жой олган.

3. Адиблар лирикасида стилизация характеридаги фольклоризмлар ҳам учрайди. Бу борада Э. Самандарнинг “Кийик” шеъри эътиборга лойиқдир. Ушбу шеър “Маликаи Зарнигор” достонида учрайди. Шеър аслияти диний мазмунда, бироқ шоир унинг мағзидаги асосий ғояни

замонавийлаштиради: зўравонликни қоралайди, меҳр-шафқат ғояларини улуғлайди, буни амалга ошириш учун мифологиядан фойдаланади. Комил Аваз ижодида ҳам афсона асосида шеър ёзиш ҳоллари учрайди. “Тилмоч” шеърларида ростгўйлик ва ёлғончилик ҳақида сўз юритиб, инсонга зарар келтирадиган ростгўйликдан фойда келтирадиган ёлғон афзал, деган афсона ғоясини қувватлайди.

4. Эпик асарлар, хусусан, роман жанрида фольклоризмлардан фойдаланиш доираси ниҳоятда кенг. Уларда афсона, ривоят, мифлар истифода этилган. Эркин Самандарнинг “Тангри қудуғи” романида ушбу жанрлардан маҳорат билан фойдаланилган. Роман воқеаларини ривожлантириш, сирли ҳодисалар моҳиятини ойдинлаштиришда фариштасифат илоҳ Бибинур эна диққатини тортади. Унинг ҳомийлиги остида фаолият юритадиган Шамсиддин Хожа эса башоратчи. Зиндонбанд қилинганда кишанлардан худди эртақлардагидек озод бўлиб кетади. Ушбу тоифа стилизациян образлар муаммоларни оптимистик тарзда ечиш учун ёзувчига таянч бўлиб хизмат этади.

5. “Тангри қудуғи” романида халқ ижодиётидаги образлар стилизацияси ёркин намоён бўлади. Шулардан бири Энамой бўлиб, хоннинг ғазабига дуч келган пайтида ҳам доно йўл тутиб уни алдаб, ўнта навкарни олиб, ҳукмдор излаган кишини топиб келишга кетади ва ўз тарафдорлари ҳузурига етиб бориб, навкарларни асирликка маҳкум қилади. Энамой халқ ижодиётидаги Хирмондали, Саётхон образларининг ўзига хос тимсолидир. Романда жодугарлар, девсифат кишилар, жангари ва танги шахс образлари қатнашади. Ундаги халқона лавҳалардан яна бири ёзувчининг халқ театри томошасидан фойдаланишидир.

6. Роман воқеалари тасвирида афсона, ривоят, нақл, ҳикмат, хангома сингари халқ насрига мурожаат этиш Комил Аваз ижодида янада салмоқдорлик касб этади. Романнавис “Созанда” романида ўндан ошиқ фольклор асарларидан фойдаланиб, воқеаларни баён қилишда улардаги халқона ғояларга таянади. “Важди Видоъ” (ҳаёжонли видолашув) ривояти орқали камтарлик, инсонпарварлик, софдиллик ғоялари улуғланса, “Ҳикоят” номи остида берилган афсона ғояси воситасида қўлидан келмаган ишни қилмаслик лозимлиги ҳажвий йўсинда талқин этилади. Ҳар бир келтирилган афсона ёки ривоят асардаги муаллиф фикрига муҳим таянч вазифасини ўтайди.

7. “Тангри қудуғи”, “Созанда” романлари, “Комил Хоразмий” эссесида фольклор жанрларининг мақол, матал, кўшиқ, лапар, “Ёр-ёр”, алла жанрларидан намуналар учрайди. Ушбу жанрлар орасида мақоллар, айниқса, кўпроқ кўзга ташланади. Мақоллар муаллиф нутқига ҳукм-хулоса сифатида хизмат қилса, маталлар, асосан, персонажларнинг сўзлашув нутқида фаол ишлатилган.

“Тангри қудуғи” ва “Созанда” романлари ўз таркибига фольклоризмларнинг барча турларини қамраб олади. Уларни ўрганиш халқнинг тарихий-этнографик турмушини ҳозирги китобхон олдида ёркин намоёиш этади.

8. Мустақиллик йилларида Хоразмдаги ижтимоий-маиший ҳаёт тарзини ифода этувчи, этномаданий тафсилотларни гавдалантирувчи қатор драматик асарлар юзага келди.

Драматик асарлар Хоразм ҳаёти билан боғлиқ қатор локал хусусиятларга эга. Уларнинг энг асосийси ушбу жанрда куй, кўшиқ ва рақснинг устуворлигидир. Бунинг илдизи қадимий хоразмийларнинг рақси “Лазги” билан алоқадордир. Сўнгги йилларда яратилган драматик асарларнинг аксариятида ушбу анъана акс садо бериб туради. Э.Самандарнинг “Олма пишганда келинг” мусиқали комедиясида куй, кўшиқ, рақс омукта равишда берилган бўлиб, фольклоризмларга жуда бойдир. Асар воқеаларининг маиший турмуш, урф-одат ва маросимлар билан боғлиқлиги асардаги тарихий-этнографик руҳнинг юксаклигига олиб келган.

9. Аналитик фольклоризмлар Комил Аваз комедияларида янада фаолроқ қўлланилган. “Тўла тиммитнинг тўйи” комедияси тўлалигича фольклор-этнографик характердаги асардир. Унда Хоразм тўйларининг тўла картинаси гавдалантирилган. Комедияга халфалар образининг киритилиши, улар томонидан “Тўй муборак”, “Айтишув”, “Ёр-ёр” ва “Келин салом”ларнинг ижро этилиши, дoston кўшиқларидан иқтибос келтирилиши, олқишларнинг гўзал намуналаридан фойдаланилиши комедиянинг халқчиллик руҳини юксак поғонага кўтарган.

10. Драматик асарларда стилизация характердаги фольклоризмлар, даставвал, образларда кўзга ташланади. Эркин Самандарнинг “Олма пишганда келинг” мусиқали комедиясидаги Бикажон ва Рўзимбей образлари фольклор асарларидаги анъанавий образлар тимсоли асосида яратилган. Бикажон оқила, тадбиркор, шўх-шаддод аёл. Рўзимбей эса сўзамол, чапани, оққўнгил бўлиб, қилиқлари афанди тимсолини эслатади. Комил Аваз комедияларида ҳам Давлат пақа-пақ, Ёпирди масхарабоз, Жобби жужак, Матти муррик каби образлар ўзларининг сўзамоллиги, қувлиги, айни пайтда соддалиги, ҳажвий хатти-ҳаракатлари билан халқ ижодиётидаги образлар қиёфасига яқин туришади.

Шунингдек, комедияларда кўплаб масхарабоз кўшиқлари стилизация асосида қайта ишланган.

11. Комедияларда оддий фольклоризмлар ҳам кўплаб учрайди. Драматик асарлар диалог асосига қурилгани, халқ сўзлашув тилига яқинлиги сабабли уларда мақол ва матал каби фикрни лўнда ифодалайдиган фольклоризмлар фаол қўлланилади. Комил Аваз комедияларида мақол-маталлар сони эллиқдан, турли халқона иборалар эса олтмишдан ошади. Мақоллар аксарият ҳолларда айнан, баъзан матн талаби билан ўзгартирилган ҳолда ишлатилган. Комедиялар этнографик лавҳаларга бой бўлганидан уларда локал хусусиятга эга бўлган иборалар кўп қўлланилган. Хоразмга хос “Бўйрада гул”, “Бир эди хангилим, икки бўлди шангилим” каби иборалар, маҳаллий колоритни ифодалаш билан бирга комедиялардаги юмористик руҳни киноя, шама, пичинг, мазах, ҳазил сингари элементлар билан бойитиб, диалоглардаги бадий-эстетик

таъсирчанликни кучайтиради, юморни рўёбга чиқаради, халқчилликни оширади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
УРГЕНЧСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

УРГЕНЧСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

САМАНДАРОВА ЛОЛА СУЛТАНОВНА

**ФОЛЬКЛОРНЫЕ ТРАДИЦИИ В ТВОРЧЕСТВЕ ХОРЕЗМСКИХ
ПИСАТЕЛЕЙ (ПЕРИОД НЕЗАВИСИМОСТИ)**

10.00.02 – Узбекская литература

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PHD) ПО
ФИЛОЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

УРГЕНЧ – 2021

Тема диссертационной работы доктора философии (PhD) по филологическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за номером B2021.3.PhD.Fil1918.

Диссертация выполнена в Ургенчском государственном университете.

Автореферат диссертации размещен на трех языках (русском, узбекском, английском (резюме)) на веб-странице научного совета (fil-ik.urdu.uz), а также на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziynet.uz.

Научный руководитель:

Рузимбаев Сафарбой,

доктор филологических наук, профессор

Официальные оппоненты:

Каримов Баходир Нурметович,

доктор филологических наук, профессор

Гайипов Дилшад Кадамбаевич,

кандидат филологических наук, доцент

Ведущая организация:

Каракалпакский государственный университет

Защита диссертации состоится «23» ноября 2021 г. в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.03/30.12.2019.Fil.55.02 при Ургенчском государственном университете (Адрес: 220100, Ургенч, ул. Хамида Алимджана, дом №14). Тел: (99862) 224-67-00; факс: (99862) 224-67-00; e-mail: fil-ik.urdu.uz

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ургенчского государственного университета (зарегистрирована за № A-561). (Адрес: 220100, Ургенч, ул. Хамида Алимджана, дом №14. Тел: (99862) 224-67-00).

Автореферат диссертации разослан «12» ноября 2021 года.

(Протокол реестра рассылки № 6 от «12» ноября 2021 г.)



З.Дусимов

З.Дусимов,

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филологических наук, профессор

С.М.Сариев,

Учёный секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор филологических наук (DSc), доцент

А.Д.Уразбоев

А.Д.Уразбоев,

И.о. председателя научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор филологических наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировом литературоведении был детально исследован вопрос об отражении фольклорных традиций в письменной литературе: были достигнуты весомые результаты по этому поводу. Обосновано значение фольклорных традиций для письменной литературы.

В узбекском литературоведении также рассмотрены некоторые аспекты влияния фольклорных традиций на письменную литературу. В частности, в отечественном литературоведении было доказано, что влияние устного народного творчества на письменную литературу проявляется на примере таких произведений, как «Кутадгу Билиг», «Хибат аль-хакаик», а также в творчестве Гульхани и Хамзы и писателей последующих поколений. Однако следует отметить, что впервые осуществляется исследование проблемы преемственности фольклорных традиций в творчестве представителей хорезмской литературной среды периода независимости.

Известно, что устное народное творчество является бесценным духовным памятником, оставленным нашими предками последующим поколениям. В долитературный период фольклор, представляя собой духовный источник, был подлинной областью народного творчества.

Письменная литература каждого народа изначально основывается на фольклорных традициях. Развиваясь, хотя в определенном смысле отдалается от них, не утрачивает связь полностью, а путем глубокого переосмысления фольклорного материала продолжает реалистично изображать действительность. Особенности, сближающими письменную литературу и фольклор, являются единство основа, народность и человековедческая направленность.

Известно, что фольклорные произведения представляют собой источник устойчивых архаических мифопоэтических размышлений, верований народа и являются первоосновой, вбирающей в себя богатые художественно-эстетические представления для восстановления давних национальных ценностей и оценивании духовного наследия.

Чувство свободы, приобретенное в годы независимости, создало возможности для обновления социально-политической и художественно-эстетической мысли. Возрождение мировоззрения народа послужило для углубления взаимоотношений фольклора и литературы. Фольклоризмы, использованные в произведениях последнего времени приобретают важную значимость в духовном становлении молодого поколения. В свою очередь, «формирование у подрастающего поколения высоких духовно-нравственных качеств, умения мыслить самостоятельно, по-новому, развитие и реализации его способностей»¹ является одним из важнейших проблем современности.

Исходя из этого, исследование особенностей фольклорных традиций в современной литературе, освещение новых принципов и художественно-

¹ Мирзиёев Ш.М. Ўқитувчи ва мураббийларга байрам табриги//“Халқ сўзи” газетаси, 2018 йил 29 сентябрь. – № 202 (7160).

эстетической сущности взаимоотношений письменной и устной литературы в произведениях, созданных в хорезмской литературной среде, обуславливают **актуальность** нашей работы.

Данное исследование в определенной мере служит реализации задач, указанных в постановлениях и указах Президента Республики Узбекистан № ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года, № ПП-2995 «О мерах по дальнейшему совершенствованию системы хранения, исследования и пропаганды древних письменных источников» от 24 мая 2017 года, № ПП-3271 «О Программе комплексных мер по развитию системы издания и распространения книжной продукции, повышению культуры чтения» 13 сентября 2017 года, № ПП-3990 «О проведении международного фестиваля искусства бахши» от 1 ноября 2018 года, № ПП-4320 «О мерах по дальнейшему развитию искусства бахши» от 14 мая 2019 года, в Постановлении Кабинета Министров Республики Узбекистан № ПКМ-304 «О мерах по дальнейшему развитию и совершенствованию искусства бахши, дастаного сказительства» от 24 апреля 2018 года и в других соответствующих нормативно-правовых актах в данной области.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики I. «Формирование системы инновационных идей и пути их реализации по социальному, правовому, экономическому, культурному, духовно-просветительскому развитию информационного общества и демократического государства».

Степень изученности проблемы. До настоящего времени в мировом и узбекском литературоведении были исследованы некоторые аспекты связей фольклора и письменной литературы, народного творчества и современной литературы².

² Русская литература и фольклор: Первая половина XIX в. – Л., 1976; Кравцов Н. И. Русская проза второй половины XIX века и народное творчество. – М.: Наука, 1972; Базанов В. От фольклора к народной книге. – Л., 1973; Адрианова – Перетц В. П. Древнерусская литература и фольклор. – Л., 1974; Взаимодействия литературы и фольклора. Душанбе, 1974; Роль фольклора в развитии литератур народов СССР. – М.: Наука, 1975; Богатырев П. Г. Вопросы теории народного искусства. – М., Наука, 1971; Левинтон Г. А. Заметки о фольклоризме Блока // Миф – фольклор – литература. – Л.: Наука, 1978; Горелов А. А. К истолкованию понятия «фольклоризм литературы» // Русский фольклор. – Л.: Наука, 1979. – Т.: XIX; Медриш Д. Н. Литература и фольклорная традиция. Вопросы поэтики. – Саратов: Издательство Саратовского университета, 1980. – 175 с.; Далгат У. Б. Литература и фольклор. – М.: Наука, 1981; Гусев В. Е. Типология фольклоризма. – Кичкемет (Венгрия), 1985; Лазеров А. И. Типология литературного фольклоризма. – Челябинск, 1991; Скаковская Л. Н. Фольклорная парадигма русской прозы последней трети XX века: Автореф. Дисс ...докт. филол. Наук. – Тверь, 2004; Хазанкович Ю. Г. Фольклорно-эпические традиции в прозе малочисленных народов России (на материале мансийской, ненецкой, нивхской, хантыйской, чукотской и звенкийской литературе): Автореф. Дис... док. Филол. Наук. – Москва, 2009; Ойбек. Асарлар. Ўн жилдлик. 9-жилд. – Т.: Фан, 1974; Ойбек. Мукамал асарлар тўплами. X жилд. – Т.: Фан, 1977; Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ оғзаки ижодиёти. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1974; Нурмухамедов М. Туркий халқлар адабиётига оғзаки ва ёзма анъаналар синтези масаласига доир (Қорақалпоқ совет адабиётининг асосчиси Аяпберген Мусо ўгли ижоди мисолида) // Ўзбек тили ва адабиёти №6. 1981. – Б. 3-15; Максетов Қ. Фольклор ҳам эдебият. – Нөкис: Қарақалпақстан, 1975; Собиров О. Ўзбек реалистик

Взаимодействие фольклора и письменной литературы – явление, имеющее древние корни и продолжительность. Как указывается в исследованиях ученых Запада, фиксирование произведений устной традиции в письменной литературе берет свое начало с XIII века. Одним из ярких примеров являются «Исландские саги»³.

Русскими фольклористами утверждается, что переосмысление и популяризация произведений народного творчества посредством письменной фиксации относится к концу XVIII – началу XIX века⁴.

Фольклорные традиции подвергались переосмыслению, шлифовке и приобретали особую живописность в народных книгах. В результате этого последних стали обозначать понятием «ряженая литература»⁵.

В узбекской фольклористике бытует мнение о том, что процесс перевода народных дастанов ускорился в XVI-XVII веках⁶.

В середине XX века появились актуализировались различные дискуссии о сущности фольклоризмов, появились различные взгляды об особенностях данного явления.

Как подчеркивается русскими фольклористами, фольклоризм непосредственно обусловлен народностью творчества писателя. Народнопоэтическое искусство слова подобно морю: каждому пловцу хватит простора. Поэтому не случайно писатели самых разных творческих манер с восторгом пишут о нем, что каждый находит свое⁷.

Фольклорист У.Б. Далгат отмечает, что художественный результат фольклоризмов взаимосвязан с идейно-эстетической позицией творца⁸.

Фольклорист В. Кубилос выявляет три направления употребления фольклоризмов: 1. Фольклорная стилизация; 2. Духовная интерпретация фольклорных мотивов; 3. Обращение к народной мифологии⁹. Данная классификация наиболее четко отражает сущность фольклоризмов.

Г.А. Левинтон, исследуя фольклоризмы в произведениях А. Блока, группирует их следующим образом: 1. Стилизация жанров; 2. Обращение к

прозаси ва фольклор. – Т.: Фан, 1979; Саримсоқов Б. И. Фольклоризмлар типологияси масаласига доир. // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т.: 1990. №4. – Б. 37-45; Ярмагов И. Типология фольклоризмов в советской узбекской литературе (60-е начало 80-х годов): Автореф дисс...канд. филол наук. – Т.: 1985; Абдулхамидов А. Фольклор ва миллий роман // Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари адабиётидаги роман жанрини типологик ўрганиш. – Тошкент.: Фан, 1991. – Б. 30-49; Амилова М. Ўзбек совет адабиётида фольклор анъаналари. – Т.: Фан, 1990; Мўминов Ф. Ҳозирги ўзбек адабиётида фольклоризм: Филол. Фан. докт...дис автореф. – Т.: 1994; Шарипова Л. XX асрнинг 70-80-йиллари ўзбек шеърлятида фольклоризмлар. Филол. Фан. ном...дис. автореф. – Т.: 2008; С. Рўзимбоев. Соз ва созанда тақдири ҳақида роман, “Хоразм ҳақиқати” газетаси 2013 йил 3 август; Яна ўша Шоир ва халқ оғзаки ижоди. // Филологические исследования. – Т.: 2003. – С. 37-39.

³Стеблин – Каменский. Мир саги. Становление литературы. – Л.: Наука, 1984. – С. 51. (246)

⁴Базанов В. От фольклора к народной книге. – Л.: “Художественная литература. 1973. – С. 68. (356)

⁵Базанов В. Кўрсатилган асар. – Б.66.

⁶Мирзаев Т. Эпос и сказитель. – Т.: Фан, 2008. – С. 33.

⁷Выходцев П. С. На стыке двух художественных культур. // Русский фольклор. Т. XIX – Л.: Наука, 1979. С.8, 27. (3-30)

⁸Далгат У. Б. Литература и фольклор. – М.: Наука, 1981. – С. 211.

⁹Кубилос В. Формирование национальной литературы – подражательность или художественная трансформация? // Вопросы литературы. 1976. №8. – С. 21-28.

народному языку; 3. Архетип (мифология)¹⁰. Данная классификация также соответствует вышеприведенной.

В работах русских фольклористов А.А. Горелова, В.В. Виноградова, Ю.М. Минералова, Г.Ю. Завгородной¹¹ выявляются такие типы фольклоризмов, как **цитатный фольклоризм, стилизационный фольклоризм, мировоззренческий (менталитет народа) фольклоризм, жанровый фольклоризм.**

Узбекский фольклорист Б. Сарымсаков, основываясь на вышеприведенные классификации русских ученых-фольклористов, излагает мнения о понятии фольклоризмов в узбекской литературе. Как им утверждается, «... фольклорные элементы, целенаправленно использованные в рамках определенного произведения писателя, должны быть квалифицированы не в качестве фольклора, а необходимо обозначить понятием «фольклоризм», т.к. эти элементы проходят своего рода индивидуально-писательское «переосмысление»»¹².

Принцип использования элементов народного творчества в письменной литературе Б. Сарымсаков классифицирует на простые и сложные фольклоризмы.

В качестве простых фольклоризмов он упоминает принцип использования пословиц, поговорок, полувывражений (юмуқ иборалар), а также оборотов, характерных устной речи.

Сложные фольклоризмы ученым классифицируются на следующие типы: а) аналитические фольклоризмы, б) синтезированные фольклоризмы, в) фольклоризмы стилизационного характера.

Русские фольклористы к простым фольклоризмам относят стилизационные фольклоризмы. Здесь под стилизацией понимается создание произведений в духе народного творчества. Исходя из этого, думаем, что более детальным является классификация русских фольклористов.

